Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 135 (6. 326) ◉ 1987 йил 16 июнь, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР ШАРАФИГА

Уйсозлар вахтаси

«Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармаси коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада 3. Фасхутдинов бошчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси пешқадамлик қилмоқда.

17 кишидан ташкил топган коллективнинг барча аъзолари турдош касбларни эгаллаб олган. Ҳар бир қурувчи бетончи, пайвандчи ва дурадгорлик касбларида бемалол ишлай олади. Бу эса иш вақтидан унумли фойдаланишда қўл келмоқда.

Бригада пудрати усулида ишлаётган бунёдкорлар ўз меҳнатлари жараёнида бу усулнинг афзалликларини исботлашяпти.

«Қизил шарқ» микрорайонидаги кўпқаватли уй қурилишида самарали меҳнат қилаётган бригада аъзолари смена топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этиб, яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Коллективнинг Ш. Мингалиев, О. Романишин сингари бинокорлари июль ойи ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Пешқадам бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга — шу кунгача ўн иккинчи бош йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини ado этишга аҳд қилган.

Маҳаллий Советларга бўлажак сайловлар тобора яқинлашмоқда. Меҳнат коллективларида, турар жой кварталларида ва маҳаллаларда депутатликка номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Халқ ўз вакиллари билан яқиндан танишмоқда. Куни кеча 227-сайлов округидан рўйхатга олинган район ва шаҳар Совети депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Октябрь районидаги 76-ўрта мактабда жойлашган 13-сайлов участкаси ҳали учрашувга тўла-тўкис йиғилиб улгурмаган эди. Ташқарида ёмғир ёғмоқда, шунинг учун ҳам ҳовлидаги спорт майдончасида ўтиришга қарамай, одамлар билан гавжум.

Уруш қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, маҳалла активлари ва ёшлар тўпланган. Агитпункт хонасида партия қарорларига оид адабиётлар, газета-журналлар столлар устидан ўрин олган. Навбатчи агитатор телефонда ким биландир савол-жавоб қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт қайнайди.

— Сайловчиларни рўйхатга олиб бўлдик, — деди агитпункт мудири, шу мактаб директори Шуҳрат ака Баҳромов. — 34 нафар агитаторимиз аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Мактаб ўқитувчиларидан М. Обидова, И. Тошхўжаева, Р. Очилова, О. Плешкова, Г. Давлатовалар айниқса маромли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Биз учрашув залига кирганимизда у сайловчилар билан тўлган эди. Олдинги ўриндиқларда биринчи марта овоз берувчи ёш йигит-қизлар ўтирардилар. Ёш сайловчилар билан иш олиб борувчи мактаб партия ташкилотининг секретари Светлана Елсина уларга нималарнидир тушунтирмоқда. Саҳнага депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, район Совети депутатлигига номзодлардан — «Тошкентпиво» заводининг ишчилари В. Замараева ва М. Жўрабекова, кўн-галантерея ва спорт товарлари комбинатининг директори Г. Цурикова ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод Октябрь район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Усмоновалар. Уларнинг ишончли вакиллари йиғилганларга уларни таништирдилар, номзодларнинг қисқача таржимаи ҳолини ҳикоя қилиб бердилар.

— Биз илгари участкамизга биркитилган депутатнинг кимлигини ҳам билмас эдик, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Н. Жорнист. — 40 йилдан бери мана шу «Олмазор» маҳалласининг «Ўқчи» кўчасида истиқомат қиламан. Бугунги кунда турмушимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётган демократия ва ошкораликни кўриб қувонмай бўладими?! Мен депутатликка сайланаётган ўртоқлар билан таништанимдан хурсандман. Менинг уларга берадиган ўз наказим бор...

Маҳалла аҳолиси номидан сўзга чиққан маҳалла комитетининг раиси Ёдгор Обидов шундай деди:

— Маҳалламиз эски. Аммо уни ободонлаштириш ҳаммамизнинг бурчимиз. Бу ишда, албатта, депутатларимиз ёрдам беришлари керак. Биз сайланажак депутатларимиздан наказларимиз ўз вақтида бажарилишини талаб қиламиз. Уларнинг қоғозда қолиб кетмаслиги — халқ ишончини оқлаш демакдир.

Йиғилганлар раисининг сўзини маъқуллашди.

Сўз навбатини Октябрь район ижроия комитети раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод, коммунист Ҳалима Усмонова олди:

— Депутат ўзининг бутун фаолияти билан сайловчиларнинг ишончини оқлаши, халқ томонидан унинг олдига қўйилган талабларга ҳамиша муносиб бўлмоғи лозим. Биз, депутатлар, халқ вакили бўлганимиздан, қолаверса, сизлар билан учрашиб яқиндан танишганимиздан хурсандмиз. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бу йилги сайлов системаси ўтган сайловлардан кескин фарқ қилади. Негаки, бу сайлов демократия ва ошкоралик тарзида бормоқда. Сизларнинг бизга нисбатан билдирган юксак ишончингизни амалда иш билан оқлашга ҳаракат қиламиз.

Залда баҳс ва мунозара бошланди. Номзодлар жамиятимизда бўлаётган чуқур ўзгаришлар, совет системасининг афзалликлари, мамлакатимизда бўлаётган революцион қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг моҳияти ҳақида сайловчилар билан ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

Биз учрашувдан қайтар эканмиз, 21 июнь — маҳаллий Советларга сайловлар куни бу участкадаги мавжуд 2 минг 80 кишидан зиёд сайловчи — ишчилар хизматчилар, зиёлиларнинг энг яхши вакиллари учун якдиллик билан овоз беришларига ишонч ҳосил қилдик.

Р. АКБАРАЛИЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Номзодлар билан учрашув

Сифат учун мукофот

Ўзбекистон ССР «Госстрой»и, қурилиш ва қурилиш материаллари саноати корхоналари ишчилари касаба союзи республика комитети, қурилиш индустрияси илмий-техника жамиятининг республика правленийси, Ўзбекистон Архитекторлар союзи биргаликда «қурилишда аъло сифат учун» кўрик-конкурсини ўтказдилар.

Кўрик-конкурс якунига кўра ўтган йилда юксак сифат кўрсаткичларини қўлга киритиб, катта ҳажмда қурилиш материалларини ишлаб чиқарган Қўйлиқдаги экспериментал кўпқирқ темир-бетон конструкциялари заводи, 31-қурилиш бошқармаси, «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинати биринчи даражали дипломлар ва пул мукофотларини қўлга киритдилар.

«Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой», «Ўзсталконструкция» трестлари, «Минмонтажспецстрой»нинг бошқа қатор ташкилотларига иккинчи даражали дипломлар топширилди. «Главташкентстрой»нинг Қўйлиқдаги қурилиш материаллари комбинати қурилиш индустрияси илмий-техника жамиятининг дипломи билан тақдирланди. Қурилиш министрлигига қарашли Тошкент тажриба-механика заводи ва «Главташкентстрой»нинг 12-трести 49-қурилиш бошқармаси коллективларига эса рағбатлантирувчи дипломлар топширилди.

Кўрик-конкурс натижаларига кўра «Главташкентстрой»нинг 12-трести 49-қурилиш бошқармаси бригадири Т. Самиғов, 11-«Висотстрой» трестининг бригадирлари Н. Қодиров, С. Г. Мурадосмова, 1-уйсозлик комбинатининг 31-қурилиш бошқармаси бригадирлари М. И. Ошенков, В. Б. Ульянов, бетончи В. И. Нелецов, пайвандчи В. И. Атясов ва бошқалар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Меҳнат ветерани



Халқ номзодлари

Қайта қуриш ва жадаллаштириш даври тажрибаларни қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, айни пайтда янгиликларни дадил жорий этишни тақозо этяпти. Ҳар қандай қотиб қолган форма, метод ва одатларни бузиш, қайта қуриш учун курашмоқ, бу борада принципиаллик, фидойилик кўрсатиш меҳнат ветеранлари учун ғоятда шарафлидир. Улар ҳамиша давр билан баравар одим ташлашга интиладилар.

Евгения Петровна ҳам ана шулардан биридир. У 1966 йилдан буён слесарь бўлиб ишлаб келяпти. Эсида, Тошкент бошига тушган зилзила оқибатларини тугатишда минглаб оддий касб эгалари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилдилар. Ўша пайтда айниқса қурилиш усталарининг роли катта бўлди. Евгения Петровна ҳамиша ўз ишига виждонан ёндошди. Шунинг учунми у тез орада коллектив ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонди.

— Мени тўртинчи марта депутатликка номзод этиб кўрсатишди, — дейди у биз билан суҳбатда. Унинг бу оддий сўзларида ҳам қувонч, ҳам масъулиятни чуқур ҳис этиш сезилиб турарди. Сир эмас, у ишлаётган — М. П. Шчилова етакчилик қилаётган бригада Тошкентдаги тажриба-фурниктура пластмасса заводининг энг яхши бригадаларидан бири ҳисобланади. Е. П. Маклецова сингари ҳалол, виждонан меҳнат қилаётган слесарлар бу ерда анчагина. Коммунистик меҳнат зарбдори беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли ado этяпти. Ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли ado этяпти.

Шу кунларда унинг иши тиғиз. Узига катта ишонч билдирган 358-сайлов округи сайловчилари билан учрашувлар, уларнинг берган наказларини бажаришда жонбозлик кўрсатиш, ўз зиммасига юклатилган ишлаб чиқариш топшириқларини бекамки-кўст адо этиш ғайратига-ғайрат қўшяпти. Меҳнат ветерани ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам, жамоат топшириқларини ҳам сидқидилдан бажаришга астойдил киришяпти.

СУРАТДА: Е. П. Маклецова.

Т. Каримов фотоси.

Муҳокама учун мавзу

Метро Юнусободга боради

Метро асримизнинг энг қулай, арзон ва тезкор транспорт воситаси. Унга бўлган талаб ва эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Истиқболи порлоқ, экологик жиҳатдан тоза ва бир йўла минглаб пассажирларни манзилига элтиб қўя оладиган бу транспорт аллақачон ҳамшаҳарларимиз ўртасида оммалашиб, улар меҳрига сазовор бўлди. Тошкент метросининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу йилнинг ноябрь ойида у эндигина ўн ёшга тўлади.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент метрополитени ривожланмоқда. 1988 йилнинг иккинчи кварталидан бошлаб узунлиги ўн километрдан ортиқ бўлган Ойбек — Юнусобод линияси қурилишига тайёргарлик ишларини бошлаш мўлжалланмоқда. Хўш, бу йирик қурилишнинг қўлами қандай бўлади? У қай йўналишни босиб ўтади? Бугун оқшомхонлар муҳокамасига ташланаётган бу масала хусусида мухбиримиз Тошкент метрополитени бошлиғи Ш. Р. Шоабдураҳимов, «Ташметропроект» институти лойиҳа бош инженери О. Зокиров ва «Ташметрострой» трести бошлиғи Г. Я. Штери ўртоқларга мурожаат қилди.


Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрами арафасида «Ташметрострой» трести, Тошкент метрополитени ишчилари «Ташметропроект» институти инженер-техник ходимлари ер ости қурилишининг бошқа кўплаб қатнашчилари Тошкент ва Чкалов станцияларидаги оралиғидаги яна бир участкани фойдаланишга топширишади. Бу линиянинг ишга туширилиши саноат корхоналари ишчилари ҳамда шу атрофда яшовчи аҳолини ўз манзилларига тезроқ етиб олишини таъминлайди.

Метросозлар Навоий — Беруний участкаларида ҳам белгиланган план бўйича иш олиб боришяпти. Чунки бу йўналишда 1989 йилда яна иккита станция қуриб битказилади. Бу Ғафур Ғулом ва Чорсу станцияларидир. 1990 йилга келиб эса шу линияда Тинчлик ва Беруний станциялари фойдаланишга топширилади.

Қурилишнинг узоқ муддатли программаси ҳам мавжуд. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1987 йилнинг 14 январида «Тошкент метрополитенини 1987—1990 йилларда ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шунга кўра Юнусобод — Ойбек линияси лойиҳа ишлари бошланди. «Ташметропроект» институти, Тошкент метрополитени ва ТошНИИПИгенплан институти хизматчилари бу линия юзасидан беш таклиф лойиҳа вариантини ишлаб чиқдилар. Хўш, улардан қайси бири маъқул ва афзал? Аналитик саволга аниқ жавоб топиш учун диққатингизга лойиҳа вариантларини, уларнинг тафсилотини хавола этаётирмиз.

Юнусобод — Ойбек йўлида саккизта станция қурилиши кўзда тутилмоқда. Биринчи вариантга кўра линия қурилиши Ойбек станциясидан бошланиб, Лоҳутий, 1 Май, Хоразм, Энгельс ва Аҳмад Дониш кўчалари бўйлаб ўтади.



Ана шу вариант бўйича **биринчи станция** Лоҳутий кўчасида жойлашади.

Иккинчи станция Пушкин ва Хоразм кўчалари яқинида бунёдга келади.

Учинчи станция Олой бозори районида қад кўтаради.

Тўртинчи станция Энгельс кўчасининг «Қозоғистон» кинотеатри районида жойлашади.

Бешинчи станция Ж. Обидова, Энгельс кўчалари яқинида Ўзбекистон халқ хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси олдида бунёд этилади.

Олтинчи станция Энгельс ва Шаҳристон кўчалари яқинида жойлашади.

Еттинчи станция Аҳмад Дониш ва Файзулла Хўжаев кўчалари яқинида барпо этилади.

Саккизинчи станция эса Аҳмад Дониш кўчасидан ўрин олади.

Юнусобод линиясининг электр депосини қаерга қуриш тўғрисида ҳам турлича фикрлар ўртага ташланяпти. Каттагина ҳажмдаги майдонни эгаллайдиган депони қаерга қурган маъқул? Ўйлаймизки газетхонлар бу ҳақда ҳам ўз таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқдилар. Хўш, улардан қайси бири маъқул ва афзал? Аналитик саволга аниқ жавоб топиш учун диққатингизга лойиҳа вариантларини, уларнинг тафсилотини хавола этаётирмиз.

Юнусобод — Ойбек йўлида саккизта станция қурилиши кўзда тутилмоқда. Биринчи вариантга кўра линия қурилиши Ойбек станциясидан бошланиб, Лоҳутий, 1 Май, Хоразм, Энгельс ва Аҳмад Дониш кўчалари бўйлаб ўтади.

Иккинчи вариантга кўра биринчи ва учинчи станциялар оралиғидаги масофа Пролетар кўчаси бўйлаб ўтади. Лекин бу ерда бир нарсани эътиборга олиш керак бўлади. Агар шу вариант бўйича иш кўриладиган бўлса, Юнусобод ва Чилонзор линиялари ўртасида оралиқ ўтиш жойини қуриш қийинлашади. Фақат Ўзбекистон линияси орқалигина ўтиш мумкин бўлади.

Учинчи вариант чизмасида линия йўналиши асосан биринчи вариант кўринишидек қайд этилган. Фақат еттинчи станциядан сўнг линия йўналиши ўзгариб, Чимкент тракти бўйлаб кетади.

Тўртинчи вариант лойиҳасига кўра линия Космонавтлар проспекти станциясидан бошланади. Ленин проспекти бўйлаб София проспектидан Энгельс кўчасигача чиқади. Давоми эса биринчи вариант кўринишига эга.

Бешинчи вариант лойиҳасида тасвирланишича, дастлабки икки станция биринчи вариантдагидек бўлади. Кейин линия Пушкин ва Хоразм кўчалари районида ўнга қайрилиб, Олой бозори бўйлаб Тимирязев кўчасига, сўнгра Боксёрлар кўчасидан ўтиб, Энгельс кўчасига чиқади. Қолган йўналиш биринчи вариантдагидек.

Юнусобод — Ойбек линияси қурилиши икки босқичда олиб борилади. Биринчи навбатда узунлиги олти километрдан иборат бўлган биринчи ва бешинчи станциялар оралиғидаги масофа ишга туширилади. Уни 1995 йилгача битказиш кўзда тутилмоқда. Иккинчи навбатда беш ва саккизинчи станциялар оралиғидаги линия қурилиши фойдаланишга топширилади.

Биз кенг газетхонлар оммасига Юнусобод — Ойбек метро линиясининг беш вариантини ҳавола этар эканмиз, улардан қайси вариантнинг афзаллиги ва станцияларнинг қандай ном билан аталиши ва қаерга жойлаштириш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазаларини редакциямиз адресига зудлик билан ёзиб юборишларини илтимос қиламиз.

Суҳбатни
М. КОМИЛЖОНОВ
ёзиб олди.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Сиэтллик меҳмонлар

«Сиэтл—Тошкент» биродарлашган шаҳарлар комитети аъзолари Фред Наланд ва Хэл Грин бошчилигидаги биродарлашган Сиэтл шаҳри туристлари группаси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Бундан ташқари шу комитетнинг фаоллари, «Плаушерс» ташкилотининг аъзолари тинчлик корпусининг собиқ кўнгиллилари, уруш ветеранлари, деҳқонлар ва адвокатлар оммасига келишган. Сиэтлик меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг ҳаёти билан таништиқдилар. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов меҳмонларни қабул қилиб, уларга пойтахт меҳнаткашларининг бу йил эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Меҳмонлар 513-болалар боғчаси, пойтахт областининг Оржоникидзе районидаги Карл Маркс номидаги колхозни бориб кўрдилар.

Меҳмонлар бугун эрталаб «Узбексельмаш» заводида бўлдилар. Фрунзе районидаги биродарлашган хиёбон ва «Сиэтл» кафесига марҳамат қилдилар. Бугун тушликдан кейин комитет аъзолари Сиэтл шаҳри мэри Чарльз Ройер билан видео телефон воситаси орқали сўзлашадилар. Кечқурун эса чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон жамиятида шу жамият фаоллари билан учрашув бўлади.

Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йилнинг ўзидагина биродарлашган шаҳарлар комитети аъзолари, турли касб эгалари пойтахтимизда бўлиб, меҳнаткашлар вакиллари билан учрашдилар. Бундан ташқари Сиэтл шаҳри мактабларининг ўқувчилари ва педагоглари делегацияси ҳам шаҳримизда бир неча кун меҳмон бўлди. Улар Тошкентда тенгдошлари билан мулоқотда бўлдилар. Бу учрашувлар ўзига хос дўстлик байрамларига айланди. Ўша сафар чоғида америкалик педагоглар бундай мулоқотлар дўстликка, бир-бирмизни янада яқиндан тушунишга, тинчлик учун курашишга даъват этади, деган эдилар. Бу ойда яна янги учрашувлар юз бермоқда.

Сиэтллик дўстларимиз ўз ватанларига боргач самимий учрашувлар ҳақида, тинчлик учун астойдил курашаётган Совет Иттифоқи тўғрисида ҳикоя қилиб берадилар.

Телетайп лентасидан

◆ ПРАГА. Бу ерда Австрия, ГДР, Польша, ГФР ва Чехословакия демократик юристларининг халқаро конференцияси тугади.

«Халқаро ҳуқуқ тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватламоқда» шиори остида ўтган конференция қатнашчилари Марказий Европада ядро қуролидан ҳоли зоналарни вужудга келтиришнинг халқаро ҳуқуқи жиҳатларини, шунингдек, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро шартномалар ва битимларга риоя этилиши билан боғлиқ проблемаларни муҳокама этдилар. Юристлар қабул қилган резолюцияда халқаро муносабатларни тартибга солиб турувчи восита бўлмиш ҳуқуқ фақат инсон манфаатлари йўлида, унинг даҳлсиз ҳуқуқларини таъминлаш учун фойдаланилиши кераклиги таъкидланади. Ҳужжатда Европада ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида, космосда ядро қуролини жойлаштиришни, шунингдек, ялпи қирғин қуролининг барча турларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни синаб кўришни тақиқлаш ҳақида битим тузилиши батамом қўллаб-қувватланиши ҳам билдирилган.

◆ ПАРИЖ. Якшанба куни Парижда фан ва маданият арбобларининг урушга қарши нуфузли ташкилоти — «юзлар даъвати»нинг ташаббуси билан уюштирилган тинчлик тарафдорларининг миллий учрашуви оммавий митинг билан ниҳоясига етди.

Мамлакатнинг барча томонларидан келган юз минглаб кишилар бутун Парижни ўраб олган рамзий «тинчлик халқаси»нинг жонли занжирини ҳосил қилдилар. Митинг қатнашчилари якдиллик билан маъқуллаган якунловчи мурожаатномада ядро синовларини тўхтатиш, ядровий қуролсизланиш жараёнига ҳисса қўшиш Франция ҳукуматидан талаб қилинади.

◆ ЛИССАБОН. Португалия коммунистлари Европа парламентига аъзо бўлган ўз вакилларидан тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлидаги курашда фойдаланиш нияти ҳақида.

Португалия Компартияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси Анжелу Велозу шундай деди. У республикада 19 июль куни Европа парламентига ўтказиладиган сайловда демократик бирлик коалицияси номзодларининг рўйхатида биринчи бўлиб турибди. А. Велозу Португалиянинг «умумий бозор»даги иштироки келтириб чиқарган муаммоларга бағишлаб Лиссабонда ўтказилган семинарда сўзга чиқиб, мамлакатга ёт бўлган манфаатлардан унинг мустақиллиги ва миллий суверенитетини қатъиян ҳимоя қилиш зарурлигини уқтириб ўтди.

◆ НЬЮ-Й О Р К. АҚШнинг Эрон-Ироқ можаросига бевосита ҳарбий аралашуви олдидан билиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Якшанба куни АҚШнинг собиқ давлат секретари Генри Киссинжер ана шуни огоҳлантириб гапирди. У АҚШнинг Форс кўрфазидаги ҳарбий кучларини гўё ўша ерда кема қатновини эркинлигига хавф кучайди, деган баҳона билан кўпайтириш режаларини Эн-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда шарҳлаб, «ҳеч қандай янги хавф-хатар йўқ», деб таъкидлади. Ўтган йилга нисбатан Форс кўрфазидаги вазият амалда ўзгарган эмас, деди Киссинжер.

◆ МАПУТУ. Мозамбик халқ озодлик кучларининг бўлинмалари «Мозамбик миллий қаршилиги» деб аталмиш ҳаракатдаги тўдаларни тугатиш операциялари давомида террорчилардан 42 кишини йўқ қилдилар.

Бейра шаҳрида чиқадиган «Диарию ди Мозамбик» журнали ҳарбий манбаларга асосланиб, шу ҳақда хабар берди. Шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида, деб ўқтиради журнал, халқ озодлик кучларининг бўлинмалари террорчиларнинг мамлакат Шимолидаги Нъяса вилоятида жойлашган саккизта базасини тугатдилар. Бандитлар ўз жойларидан зўрлик билан олиб кетган икки мингдан зиёд киши озод қилинди.

(ТАСС, 15 июнь).

Партия турмуши

ЎҚУВГА САМАРАЛИ ЯКУН

КПСС Марказий Комитетининг «1986—87 ўқув йилида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори партия XXVII съезди белгилаган режалар асосида сиёсий ва иқтисодий таълим пропагандистлари олдига жуда катта вазифалар қўйган эди. Шу йил апрель ойида эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси эса минглаб пропагандистларга, идеология активларига ўз ишларини тубдан қайта қуришларига қудратли омил бахш этди.

Қуйида «Главташпассавтотранс» 2-автокомбинати партия комитетининг секретари Леонид Владимирович Клестов махсус мухбиримиз Ҳ. Икромовга сиёсий ва иқтисодий таълим системасида ўқув йили қандай якунланганлиги, дастлабки сабоқлар ва режалар ҳақида сўзлаб берди.

— Биз меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълими системасида ўқув йилини муваффақиятли якунладик, — деб сўз бошлади у. — Якунловчи машғулотларга бир мингга яқин тингловчилар актив иштирок этишди. Барча машғулотлар юксак ғоявий-сиёсий савияда ўтди.

Биз якунловчи машғулотларни баҳс формасида ўтказдик. Бу эса «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, — КПССнинг стратегик йўли» мавзуидаги сиёсий маориф системасининг асосий таълим курсида ўрганилган билимларни баҳолашга, партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни бажариш учун ҳар бир тингловчи қўшиши керак бўлган ҳиссани кўпайтиришга таъсир кўрсатади.

— КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси юзасидан тингловчилар қандай фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдиришди?

— Ўқув жараёнида КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси ҳар томонлама чуқур ўрганилди. Жумладан, тингловчилар уни ўрганиш чоғида бир қанча таклифлар ҳам киритишди. Энг аввало ҳар бир курс бўйича махсус ўқув қўлланмаси нашр этиш кераклигини таклиф этишди. Шунингдек ҳар бир машғулотга тайёргарлик кўриш учун меҳнат коллективларида пропагандистларга кўпроқ вақт ажратиш имкониятини беришни таклиф этишди. Чунки одатда пропагандистлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда иш олиб борадилар. Машғулотни мазмунли ва таъсирчан ўтказишимиз учун эса улар махсус тайёргарлик кўришга гоҳида вақт топа олишмайди.

— Қайси пропагандистлар якунловчи машғулотларни юксак савияда ўтказдилар?

— Автокомбинат директорининг ўринбосари, моҳир пропагандист Баҳодир Шарипов, марксизм-ленинизм асослари мактабида машғулотларни юқори савияда ўтказди. Иқтисодий таълим системасида эса корхона бош инженерининг ўринбосари пропагандист Натан Борисович Житомирский машғулотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Барча тингловчилар рефератлар тайёрлашди. Уларнинг кўпчилигига топшириқлар берилди. Бу топшириқлар коллективнинг конкрет фаолияти билан боғлиқ эди.

Ҳаммаси бўлиб партия ўқуви системасида 9 группа, иқтисодий таълим системасида 2 группада якунловчи машғулотлар бўлиб ўтди. Асосий эътибор тингловчиларнинг партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган асосий омиллар — хўжалик юритиш ва экономикани бошқариш механизмини такомиллаштириш, фан, техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантириш ва социал адолатни қарор топтириш, социалистик демократия ва халқнинг ўз-ўзини бошқарувини янги босқичга кўтариш омиллари ҳақида қизғин сўз борди.

Ўқиш тингловчилар ва бутун коллективнинг ўз зиммаларига олган план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ёнилғи ва мойлаш материалларини тежаб-тергаб сарфлаш, эҳтиёт қисмлардан оқилона фойдаланиш, мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқа вазифаларни ҳам қамраб олдики, бу ўқувнинг ҳаёт билан, ишлаб чиқариш фаолияти билан алоқасини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

— Бунинг натижалари коллектив ютуқларида қандай акс этяпти?

— Коллективимиз юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришди. Масалан, шу йилнинг биринчи кварталида бутун йиллик ишлаб чиқариш планининг 25 процентини адо этиш кўзда тутилган эди. Бу топшириқ 26,5 процент қилиб адо этилди. Биз бу муваффақиятни янада мустаҳкамлаш учун ҳаракат қиляпмиз. Энг муҳими ўқиш ҳар бир тингловчига йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, хизмат маданиятини оширишда ўз ишини қайта қуриш масалаларини англаб олишга ёрдам берди. Бу йилги ўқишда асосий эътибор ўрганилган масалаларни чуқур таҳлил этиш билан биргаликда тингловчиларни бевосита қизиқтирган назарий масалаларни ҳаёт билан боғлашнинг таъсирчан форма ва методларига қаратилди.

Ҳали барча группаларда расмиятчилик ва қироатхонликка барҳам берилди, деб бўлмайди. Келгуси ўқув йили учун биз тегишли сабоқлар чиқариб олдик. Сиёсий ва иқтисодий таълимни партия Марказий Комитети қўйган юксак талаблар даражасига олиб чиқиш учун жуда кўп иш қилмоғимиз керак. Гапнинг очиғини айтганда, барча пропагандистлар ҳам ўзига ишониб топширилган иш масъулиятини баб-баравар даражада ҳис этди, деб бўлмайди. Аммо биз, энг яхши пропагандистларни рағбатлантириш йўли билан уларни яхшироқ ишлашга даъват этяпмиз. Натан Борисович Житомирский, Виктор Иванович Акимов, Темур Зуҳурович Асқаров, Федор Семёнович Кратосюк, Эдуард Владимирович Матюков сингари бир неча моҳир пропагандистлар 1986—87 ўқув йилида машғулотларни намунали олиб борганликлари, жонли ва қизиқарли ўтказганликлари, тингловчиларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини активлаштирганликлари учун рағбатлантирилдилар.

Биз лойиҳадан келиб чиқиб, сиёсий ва иқтисодий таълимни янги талаблар даражасига кўтариш устида иш олиб бораяпмиз. Ҳозир дастлабки якунлар чиқарилаяпти, холос. Келгусида корхона партия комитети ўқув якунларини муҳокама этиб, сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси учун пропагандистлар тайёрлаш, уларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, шахсий планлар асосида сиёсий ўқув практикасини такомиллаштириш, ўқувни ташкил этишнинг демократик принципларини янада ривожлантириш ва бошқа кўпгина омиллар устида иш олиб боради.

Бир нарсани унутмаймиз: сиёсий ва иқтисодий таълимга партиявий раҳбарликни тубдан яхшилашимиз, талабчанликни янада кучайтиришимиз, пропагандистларга зарур ёрдам кўрсатишимиз лозим.

Бунёдкор

№ 6

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГА

«Ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план топшириқларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик байрамигача бажарамиз» — «Главташкентстрой»нинг 153-трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг Василий Аноприенко бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси ана шундай шиор асосида меҳнат қилмоқда. 38 кишидан ташкил топган коллективнинг бригада пудрати методи асосида ишлаётганлиги қурувчиларни иш вақтидан унумли фойдаланишида қўл келмоқда.

Шу кунларда бу бригада шаҳримизнинг Жуковский кўчасида қад кўтараётган кўп қаватли уй-жой биноси қурилишида самарали меҳнат қилмоқда. Коллективнинг Н. Давиденко, А. Богданов, А. Савинов сингари дурадгор, пайвандчи ва ғишт терувчилари ўзаро социалистик мусобақада ғолиблик қилишяпти. Графикдан икки ҳафта ўзиб ишлаётган бригада аъзоларн зиммага олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажариш учун ғайратга ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЙРАТИ

Акмал Ҳасанов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари «Главташкентстрой»нинг 6- трести, 32-қурилиш бошқармаси коллективлари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

М. Горький проспектида тўққиз қаватли бино қурилишида самарали меҳнат қилаётган бу коллектив иккинчи квартал план-топшириқларини бажариш арафасида турибди.

Бригадада ўз касбини ардоқлаётган бунёдкорлар жуда кўп. Улардан М. Арамов, А. Содиқов, В. Баронин сингариларнинг номини қайд этиб ўтиш мумкин. Бу бунёдкорлар кунлик план-топшириқларини мунтазам равишда 15—20 процент ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти. Бригаданинг барча 30 аъзоси турдош касбларни ўзлаштириб олишган. Ҳар бир қурувчи ғишт терувчи, дурадгорлик, пайвандчилик касбларида бемалол ишлай олади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик байрамини ўн иккинчи беш йиллликнинг икки йиллик план-топшириқларини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилган бригада коллективи кун сайин марраға яқинлашиб бормоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

НАМУНА КЎРСАТИБ

Ўрмон Зокиров бошчилигидаги бригада аъзолари Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйи шарафига муносиб совға тайёрлаш ишқидалар. Эзгу мақсад йўлида тер тўкаётган фидокорлар дақиқаларни бекор ўтказмай ундан самарали фойдаланишяпти. Шу боисдан ҳам бинокорлар қувончли ютуқларни қўлга киритишга эришаяптилар.

Беш йилликнинг дастлабки йили планлари ортиғи билан бажарилган эди. Бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаётган азаматлар яқинда яна бир муваффақиятга эришдилар. Юбилей йилининг беш ойлик плани муддатидан илгари адо этилди. Белгиланган 550 минг ўрнига 586 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Қўлга киритилаётган ғалабаларда бригадирнинг кўп йиллик тажрибаси катта наф келтираяпти. У тўққиз йилдан бери коллективга етакчилик қилиб келади. Қурувчилар ўртасида мустаҳкам дўстлик, меҳнат интизомини ўрнатишда ўзининг ғайрати, касбига бўлган бир олам меҳри ёрдам берди. Чунки у ҳар бир ишда ҳамкасбларига шахсий намуна кўрсатади. Коммунист бунёдкор Ў. Зокиров бошлиқ бригада аъзолари 3-уйсозлик комбинатининг иккинчи қурилиш-монтаж бошқармаси бригадараро социалистик мусобақада ҳам актив қатнашиб, бир неча йилдан бери ғолибликни қўлдан бермай келяпти.

Коллективда 37 нафар қурувчи меҳнат қилади. Улар 108 квартирали турар жой биносининг монтаж ишларини жадаллик билан олиб боряптилар. Ҳозир Юнусобод массивида барпо этилаётган осмонўпар 5-уйнинг 7-қаватида панел деворларни пайвандлашмоқда. Эзгу ниятли бинокорлар ишларни август ойида, муддатидан бир ой илгари якунлаб пардозловчиларга топширишга қарор қилганлар. Ғишт терувчи, пайвандчи, бетончилардан Рудольф Янц, Анатолий Мухин, Бахтиёр Илҳомов сингарилар намуна кўрсатяптилар. Улар йил охиригача 1 миллион 327 минг сўмлик иш бажариш социалистик мажбуриятини қабул қилганлар. Пешқадамлар ватдалари устидан чиқиш учун барча ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга интилиб, икки сменада меҳнат фронти ташкил этганлар.

М. ДАМИНОВ.

Диққат: янгилик!

Янги ётоқхона



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти аудиторияларида билим олаётган студентлар учун 1505 ўринли тўққиз қаватли ётоқхона қурилиши жадаллик билан олиб бориляпти. Бу кўркам бинонинг ҳар бири 505 ўринли учта блокдан иборат. Яқинда студент-ёшлар қувончига-қувонч қўшилди. Бунёдкорлар дастлабки бинони йигит-қизлар ихтиёрига топширдилар. Айниқса, бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифатига юқори баҳо берилгани диққатга сазовордир.

«Главташкентстрой»нинг 19-трести 4-қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари комплексининг иккинчи блокини ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилгандилар. Айни кунларда ғайрат билан меҳнат қилаётган бинокорлар иккинчи блокда сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришяпти. Ётоқхонанинг учинчи қисмида эса саккизинчи қавати монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Бинонинг ташқи деворларини пардозлаш учун гулдор бетон панеллардан фойдаланилган. Бу эса Муртазоев кўчасининг ҳуснига-ҳуси қўшиб турибди.

СУРАТДА ётоқхона биносининг кўриниши.

Шифохона қурилишида

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашлар саломатлиги йўлида йил сайин ғамхўрликни кучайтирмоқда. Турли санаторий, дам олиш зоналари, поликлиника ва шифохоналар қурилиши ҳажми тобора ортиб бораяпти.

Шаҳримизнинг Чилонзор массивида жойлашган кўкрак хирурғияси илмий тадқиқот институтининг довруғи тобора ортиб бормоқда. Чунки у кўкрак хасталикларини даволашда самарали усуллардан фойдаланмоқда. Истиқболи порлоқ шифохона ёнида барокамера комплекси қад кўтармоқда. Бу комплекс 1988 йилда ишга туширилади. Ушбу комплекснинг қурилиши хирургларимиз машаққатли меҳнатини енгиллаштиради, беморлар операциясини осонлаштиради ва тез соғайиб кетишларига имконият яратади.

Барокемеранинг афзаллиги нимада?

Барокамера даволаш, операция қилиш процессида беморнинг ташқи муҳитдан ажралган ҳолда махсус соф медицина кислороди ёрдамида операция қилиш имконини беради. Камералар икки қисмдан иборат. Ҳар бир камеранинг махсус шлюзлари бўлиб, уларнинг бирида операция, иккинчисида эса терапик даволаш ишлари олиб борилади.

Камералар қалин металлдан думалоқ, цистерна шаклида ишланган. Ичи жуда кенг, хирург, шифокор ва бемор учун ҳамма шароит муҳайё. Операция қилинаётган бемор ёки тўлғоқ тутаётган аёлнинг бутун бадани соф медицина кислороди билан нафас олдирилади.

Барокамера учун кислородни «Узглавмедтехника» бошқармасига қарашли Тошкент кислород заводи етказиб беради.

Республикамизда ягона, Иттифоқда учинчи бўлган бу шифохона лойиҳасини москвалик архитекторлар тайёрлаб беришган. Лойиҳанинг бош архитектори Владимир Михайлович Суханов. Лойиҳага кўра бино беш қаватли бўлиб, архитектура кўриниши жиҳатидан республикамизда ягона. Бу ерда барокамерадан ташқари терапия камераси ҳам ўрин олади. Иккала камера бир-бири билан ёнма-ён қурилган. Махсус шлюз орқали бир камерадан иккинчисига ўтиш мумкин.

Терапия камерасида беморлар соф медицина кислороди ёрдамида даволанишади. Барокамера ва терапия камералари учинчи қаватдан ўрин олган. Шифохонадан беморлар учун палаталар ҳам ўрин олади. Бинонинг тўртинчи қаватида эса беморлар ва шифокорлар учун дам олиш хоналари жойлашади. Урнатилган барокамераларни Чирчиқдаги химия ва машинасозлик заводи тайёрлаб берди. Монтаж ишларини эса «Энергомонтаж» бошқармаси бажаради. Бинонинг қурилиш-монтаж ишларини бош пудратчи — «Главташкентстрой»нинг 153-трест 39-қурилиш бошқармасининг Ю. Полстянов бошлиқ комплекс бригадаси олиб бормоқда. Пардоз ишларини эса «Отдельстрой» трести 45-қурилиш бошқармасининг пардозчилари бажаришяпти. Бинода турли замонавий қурилиш материалларининг ишлатилиши натижасида у ҳозирги медицина талабига тўлиқ жавоб бера олади.

СУРАТДА: барокамера комплекси кўриниши; барокамералар.





Майдон ҳуснидаги доғ

Тошкентнинг энг файзли майдонларидан бири — Ф. Э. Дзержинский номли майдонни ободонлаштириш йўлида ҳар куни кўплаб боғбонлар меҳнат қилишади. Ҳар баҳорда қанчадан-қанча турфа гуллар, дов-дарахтлар экилади, парваришланади. Унинг мусаффо фавворалари, сўлим мажнунтоллари салқинида кишилар ором олиб, ҳордиқ чиқарадилар. Кўҳна чинорлар соясида сайр қиладилар. Бу ерда бўлаётганлар майдоннинг чирой очиб, гуллаб-яшнаётганидан баҳра оладилар. Бироқ...

В. И. Ленин номли метро станциясидан чиқиб, Инқилоб хиёбони томон йўл олсангиз қизиқ ҳангоманинг гувоҳи бўласиз. Йўлингизга тупроқ, ахлат уюмлари, ўрадек катта чуқур, ёввойи ўтлар ғов бўлади. Маршрутли таксилар станцияси томонидан ўтаман десангиз, тепкилаверіб, чанги чиқиб кетган «қўлбола» йўлкага дуч келасиз. Фонтан томондан юрсангиз «сунъий дарёча» ларни кечиб ўтишдан бошқа иложингиз қолмайди. Район кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари эса мавжуд аҳволни яхшилашга чора изламаяптилар.

Чуқурнинг ҳосил бўлганига 4 йилдан ошди. Ўшанда «майдон ҳуснидаги доғ» ҳақида «Оқшом» газетасида мақола ҳам эълон қилинганди. Орадан икки йил ўтгач «шошилинч равишда» бу ерга 3—4 машина тупроқ тўкилди. Тўкилди-ю... аҳвол ўзгармади.

Майдонда дам олувчилар шу кеча-кундузда тупроқ уюмининг икки йиллигини «нишонлаш» арафасида турибдилар. Кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошираётган Киров райони «Автодормехбаза»си ишчилари бу муҳим тадбирга «қизғин» ҳозирлик кўришяпти.

Хўш, бундай «жонбозлик» қачон «тақдирланади?».

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Фотоайбнома



СУРАТДА: тупроқ уюми ва чуқур.

Автор фотоси.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Социализм мамлакатларида

СОФИЯ. Бу ерда болгар-совет дўстлиги умумхалқ комитети билан мамлакат ижодий союзлари вакиллари ўртасида шартномалар имзоланди. Бу шартномаларда Совет Иттифоқи ва Болгария адиблари, кино арбоблари, актерлари ва музика коллективларининг ижодий алоқаларини кенгайтириш, кино санъатининг байрамлари ва фестивалларини, машҳур ёзувчилар ва композиторларнинг ижодий кечаларини ўтказиш назарда тутилади. Болгар-совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси Начо Папазов бу ҳужжатларнинг имзоланиши маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқич, иккала қардош мамлакат халқларининг ҳар томонлама ҳамжиҳатлиги ва маънавий яқинлашувининг муҳим омилидир, деб таъкидлади.

* * *

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Дьер шаҳри «Рабатекс» тўқимачилик фабрикаси мутахассислари учун бир неча ўн миллион форинтни тежаб қолиш учун оригинал ғоя ҳамда бир неча ўн метр водопровод қувури зарур бўлди, холос. Уларнинг таклифига кўра, қўшни химия заводи фабрикага технологик жараёнлар мобайнида 60 даражагача иситилган сувни... сота бошлади. Кимёгарлар шу туфайли заводда сувни совутиш учун қимматга тушадиган иншоот қурилишидан, фабрика эса янги қозонхона қуришдан воз кечдилар.

Венгрия енгил саноат корхоналарнинг ҳар бири ҳозир энергия ва ёнилғини тежаш учун зўр бериб курашмоқда. Ўтган беш йилликнинг ўзидаёқ бу тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми муттасил ўсиб бораётган бир шароитда энергетика истеъмоли 12 процент камайди.

Венгрия енгил саноати корхоналарида тежамкорликка бу қадар катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида арзонроқ хом ашёни ишлатиш ёки энергияни кам истеъмол этадиган прогрессив технологияни жорий этиш туфайли фойда кўпаймоқда, маҳсулот таннархи арзонлашмоқда.

* * *

УЛАН-БАТОР. Халқ Болгарияси Монголия пойтахтининг мактаб ўқувчиларига совға қилган компьютерларнинг ҳунари кўп эди. Улар йўл ҳаракати қоидаларини ўргатар, шахмат ўйнар, математик вазифаларни ечарди. Аммо Монголия революцион ёшлар союзи Марказий Комитети ҳузурида тузилган компьютер клуби (бу клубга юзлаб ўқувчилар ёзилишган) аъзолари электрон «муаллимлар» ва улар шерикларининг ўйинидаги имкониятлари мавжуд программалар билан чеклланмаслигини тез пайқаб олдилар. Янги программаларни ким ўйлаб топади? Республика ёшларининг техника журнали компьютерлар учун энг яхши ўқув ва ўйин программалари учун конкурс эълон қилди.

Мана энди конкурс якунлари чиқарилди. Ижодий мусобақа шартларига кўра, ажратилган беш ой мобайнида жюрига 15 та коллектив иш тақдим этилди. Мактаб ўқувчилари билан биргаликда пойтахтдаги олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳам компьютерларни янги ўйинларга ўргатиш ва улардан муаллимлар етиштиришга уриниб кўрдилар. Конкурс қатнашчиларининг кўпчилиги яхши натижаларга эришдилар. Ўқув программалари орасида политехника институти мутахассислари ишлаб чиққан ҳамда тарих фани соҳасидаги буюмларни пухтароқ ўзлаштиришга ёрдам берадиган программа муваффақиятли чиқди.

* * *

ХАНОЙ. Шимолдаги Куангнинь вилоятининг устаси неча асрлардан бери ўзларининг кўҳна касблари сирларини асраб, уни ривожлантириб келмоқдалар. Археологлар халигача ҳам қазилмалар пайтида вазалар, идиш-товоқ, ҳайкалчалар ҳамда бошқа кулолчилик буюмларини топмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ўрта асрнинг бошларида тайёрланган экан. Бу буюмларнинг шакли чиройли, нақши ўзига хос, пишиқ-пухтадир.

Куангнинь кулолларининг ҳозирги маҳсулоти ҳам қадимгиларидан қолишмайди. Ҳунармандчилик ва якка кўл усталарининг буюмлари қўйилган республика кўргазма-ярмаркасидаги павильон ҳамиша томошабинлар билан гавжум. Вилоятдаги майда корхоналар ва кооперативлар эндиликда Куангнинь саноат маҳсулоти ҳажмининг ярмига яқинини тайёрламоқда.

ДОВУЛ ОҚИБАТИ

Франциянинг жанубий-шарқида ва Испаниянинг шимолида бўлиб ўтган довулдан кейин беш киши ҳалок бўлганлиги ва бир неча киши бедарак йўқолганлиги маълум бўлди.

Бир неча дақиқа ичида соатига 100 километрдан эсган шамол Франциядаги Аркашона, Испаниядаги Сантандера ва Хихонадаги балиқчиларнинг ва спортчиларнинг бир неча қайиқларини учириб юборган.

Довул юздан ортиқ дарахтларни ва автомобилларни қулатган. Франциянинг Атлантик Пиренеи, Ланда ва Жиронда вилоятларида, шунингдек Испаниянинг шимолида бир қанча электр тармоқлари, телефон симларини узган. Иккала давлатнинг бир қанча пляжлари носоз аҳволга келган.

Калейдоскоп

КИНО ЮЛДУЗЛАР МУЗЕЙИ

Италиялик режиссёр Сержио Пасторе «кино ва театрга бўлган ихлосни кучайтириш», учун кино юлдузларининг бўйи баравар ҳайкаллари қўйиладиган музей ташкил этишга қарор қилди.

Унда кўпгина машҳур актёрлар — Софи Лорен, Элизабет Тейлор, Лиза Минеллиларнинг номлари абадийлаштирилади. Томи қуббали, деворлари ғовак тошдан ишланган қадимий ёдгорликларни эслатувчи бу музей ер остида жойлашади. Ҳайкалчалар ҳам мумдан эмас, тошдан ясалади, деб хабар қилади «Штудгартер цайтунг» (ГФР) газетаси.



Москвада СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида ёшларининг илмий-техника ижоди марказий виставка-ярмаркаси намойиш қилиняпти. Шахтинск маиший хизмат кўрсатиш технология институтининг дизайн-театри мана шундай янги композицияни намойиш этмоқда.

О. Булдаков фотоси, (ТАСС).



В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Восток» клубида республика сатира театри Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукруллонинг «Жанжал» спектаклини намойиш қилди. Ўнгдаги суратда сиз ушбу спектаклдан бир саҳнани кўриб турибсиз.

А. Рисқиев фотоси, (ЎзТАГ).

КЎЗ очиб ўзини ҳаётга келтирган онасининг рухсорини бир марта ҳам кўрмаслик нақадар даҳшат! Шундай одам бу ёруғ дунёда унга қанча вақт ҳаёт кечириш насиб этса бир умрга дилда ўкинч ва армон билан яшайди. Минг афсуски, Умида дунёга келтирган ўғил ҳам умрини ана шундай армон билан ўтказади. У эсини танигач, онасини фақат уй альбомида сақланиб қолган суратидагина кўради, холос.

Дарвоқе сурат... Уни авлодларимиздан бизга чин хотира ёдгорлиги, эсдалик сифатида ғоят қадрлаб сақлаймиз, эъзозлаймиз, агар у кишилар вафот этиб кетишган бўлса бу суратга қайта-қайта тикиламиз, улар билан ғойибона гаплашамиз, улар меҳрига қонгандек бўлиб ўзимизга таскин берамиз. Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтириб ўтмоқчиман.

Бизнинг ҳадемай эвара кўрадиган бир қариндошимиз бор. Бундай одамнинг ёши нечага бориб қолганини ҳисоблаб чиқиш ўзингизга ҳавола. Аммо гап бунда эмас. Ҳамма гап шундаки, шу қариндошимиз она меҳрига тўймаган. Бир ёшга тўлар-тўлмас онаси оғир касаллик туфайли оламдан кўз юмган. Лекин бир тўй маросимида кўпчилик қариндош-уруғлар тўпланишганда ҳаваскор расмчи олган суратга оналари билан тушиб қолганликларини яқинда тасодифан билиб, шу расм кимникида эканлигини аниқлаш мақсадида деярли ҳамма қариндош-уруғларининикини айланиб чиқибди. Мақсад аввало она-бола бирга тушган суратни топиш, она дийдорига қарийб 60 йилдан кейин бўлсада бир тўйиш эди. Ана шу ягона ва ўша қариндошимиз учун жуда ҳам нодир бўлган ушбу сурат бизнинг оилавий альбомимизда сақланарди. Шу суратни биз унга бердик. Ҳали кичик бўлганлари учун оналари қўлда кўтариб у билан расмга тушган эканлар. Шу расмни кўриб аввало оналари сиймосини кўриш бахтига муяссар бўлганликларидан, қолаверса оналарининг ягона сурати топилганидан севиниб, ўпкалари тўлиб, ўзларини тутолмай фарёд солиб йиғлаб юбордилар.

Ҳа, ана шундай! Она ана шундай мўътабар ва улуғ зот, она меҳрига қонмаслик инсон учун умр бўйи армон бўлиб қолади. Умиданинг ўғли учун ҳам шундай бўлиши аниқ. У ҳам онаси — Умида сийнасидан она сутини эммади, она дийдорини кўролмади, она ҳидига тўймади, бошқа гўдаклар каби она кўксига бош қўйиб ухлолмади. Бунинг сабабларини катта бўлганда, улар оиласи бошига тушган фожиа, бу фожиа сабабчиси асосан ўз адаси Анвар эканлигини билганда у қандай аҳволга тушаркин, онасини хўрлаган, қийнаган Анварнинг қилмишларини у кечира олармикин?

У ҳали ҳеч нарсани билмайди, уйларида бўлган фожиадан бехабар, «ой-йи» деб жовдираган пайтларида опалари гапни бошқа ёққа буриб юборишадию, норасида укаларини кулдиришга, унинг қўлига ўйинчоқларини олиб беришга ҳаракат қилишади. Эндигина атак-чечак қилиб юра бошлаган гўдакнинг бундан бошқа яна нима ташвиши, эрмаги бўлиши мумкин, ахир?!

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1987 йил 3 февраль сонида «Умидига етганда, юлдузи сўнган Умида» сарлавҳали воқеий ҳикоямизда Умиданинг баҳор фаслини севиши, доимо кўклам келишини орзиқиб кутиши ёзилган, бунинг боиси балки ўзининг баҳор фаслида туғилганига, бунинг сабаби балки бири-биридан чиройли ва ширин қизларини ҳам ана шу баҳор фаслида дунёга келтирганига йўйган эдик. Худди ҳозиргидек гўзал бир фаслда, яъни ҳаммаёқ гулга бурканган бир дамларда унинг ниятига етгани, ўзи келин бўлиб тушган ва Акбар акалар хонадонида ўтказган ўн йиллик умри мобайнида ниҳоят армони ушалиб, дунёга яна бир инсонни келтирган Умиданинг умидига етганда йиқилиб, бу ёруғ дунёда яшаш, ҳаёт завқ-шавқи, қувончларидан баҳра олиш унинг ўзига насиб этмагани, бир оиланинг, Ақида опа билан Жўра аканинг кўз нури, қалб сурури, ишонган боғи, суянган тоғи, яккаю-ёлғиз фарзанди ўттиз икки ёшида ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги ҳикоямиз жуда кўплаб оқшомхонларда катта қизиқиш уйғотди. «Тошкент оқшоми» газета редакциясига шу мақола юзасидан ҳанузгача мактублар келяпти. Бу мактубларнинг кўпчилигини газетанинг шу йил 3 март, 26 март, 7 апрель сонларида эълон қилдик.

МАҚОЛАНИ ҳаётга келиб, онаси дийдорини бирон марта ҳам кўрмасликнинг нақадар даҳшат эканлигидан бежиз бошламадик. Умидалар хонадонида юз берган, хотимаси жуда ҳам аянчли бу воқеа қалбларни ларзага келтирди. Ахир, Умиданинг қисмати шунчалик фожиа билан тугамаслиги мумкин эди-ку! Ахир у ҳам ширин орзуларда Анвар билан бир ёстиққа бош қўйганди, ҳаёт нашидасини суриш, одамлар хизматида бўлиш, фарзандларини уйли-жойли қилиб, уларнинг бахтли кунларини кўришни орзу қилган эди-ку! Лекин, афсуски унинг ана шу умидлари ушалмади. Эри Анварнинг ичкилик балосига гирифтор бўлиши бу оилага кўпдан-кўп ғам-андуҳлар келтирди, оқ арақ, заҳарли оғу бу оила бахтига чанг солди. Охир-оқибатда унинг баҳори, умри хазон бўлди, юлдузи бир умрга сўнди, болалари она меҳрига тўёлмай доғу-ҳасратда қолди. Ўн йил кутилган ўғилга эса Умидадан ёдгор бўлсин деб Ёдгорбек деб исм қўйишди.

Ҳали биз юқорида унинг атак-чечак қилиб юраётганини айтган эдик. У эндигина бир ёшга тўлди. Худди ана шу куни уни опалари — Нигора, Наргиза, Ўғилойлар суюкли ойилари дафн этилган қабристонга олиб боришди. Шу чоққача «ой-йи қани?» деб айтадиган саволига опалари «Ойи сенга оқ олиб келадилар», деб жавоб қайтаришарди. Шу гап билан у овуниб кетаверарди. Қизларга ҳам қийин-да: қачонгача ёлғон гапиришади, қачонгача уларни доғу-ҳасратда қолдириб, ҳаёт билан видолашган, уларни етим қолдирган Умидани кутишади?..

Бу гал ҳам одатдагидек ҳаммаларининг қўлида атиргуллардан ясалган гулдасталар бор эди... Нигора укаси Ёдгорбекни етаклаб Умиданинг қабри олдига олиб келдию, ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди. Наргиза ва Ўғилой унга қўшилишди. Учала қизалоқнинг додлаб йиғлашидан Ёдгорбек қўрқиб кетиб чинқириб юборди. Қабристонга келган бошқа одамлар ҳам тўрт норасиданинг баравар фарёд чекиб йиғлаётганларидан, нолаю-фиғон чекаётганларидан изтиробда эдилар. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, ҳаётда аслида шундай бўлмаслиги, болалар етим қолмаслиги, ҳозиргидек қон қақшамаслиги мумкин эди-ку, ахир!.. Худди ана шу фикр тошкентлик газетхон Дилором Назарованинг қуйидаги ҳаяжонга тўла хатида ва оқшомхонларнинг редакцияга йўллаган ва бугун сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мактубларида ҳам куюнчаклик билан қаламга олинган. Бинобарин газетхонлар билдирган қимматли фикр ва мулоҳазалар бизни яна илгариги мавзуга қайтишга ундади.

Илгариги мавзуга қайтамиз

«УМИДИГА ЕТГАНДА, ЮЛДУЗИ СЎНГАН УМИДА»

Одамлар ва тақдирлар

«Умидига етганда, юлдузи сўнган Умида» сарлавҳаси остида босилган мақолани ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Бу воқеа менга жуда ҳам таъсир қилди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, воқеани ўқиб йиғладим, Умидага раҳмим келиб, юракларим эзилди. Бунинг сабаби Нигора ўзимнинг ёшлигимни, Умида эса ўз онамни ёдимга солди. Чунки менинг онам ҳам 32 ёшда вафот этганлар. Биз ҳам уч қиз, бир ўғил етим қолганмиз. Онамнинг бевақт ўлганларининг сабаби уч қиз туғилганимиздан сўнг врачлар онамларга бошқа туғмасликни тайинлашган эди. Отам ҳам «Майли, ўз соғлиғингни ўйла», деганлар. Лекин онамлар ўлсам ҳам ўғил туғиб ўламан деб ўғил кўрганлар. Кейин икки йил касал бўлиб ётиб қолганлар ва оламдан ўтганлар. Ушанда мен оиладаги катта қиз эдим, ёшим саккизда эди. Етим қолганимиздан сўнг отам бошқа аёл билан турмуш қурдилар. У жуда бераҳм чиқди. Биз ўгай она қўлида жуда ҳам хор бўлганмиз. Мана ҳозир 20 ёшдаман. Энди менинг ўзим ҳам онаман. Икки ўғлим бор. Бу воқеани мен билан бирга қайнонамлар, қайнотамлар, умр йўлдошим ҳаммамиз бирга ўқиб чиқдик. Энди бизни тўрт етим қолган болаларнинг тақдири нима бўлгани, Анвар кейин бошқа аёлга уйландими, йўқми, қандай яшаётгани, уйланган бўлса ўгай она болаларга қандай қараётгани жуда қизиқтириб қўйди. Ҳурматли редакция! Биз бу оила тақдири нима бўлганлигини жуда-жуда билишни истардик.

Оиламиз номидан сизга ҳурмат ва эҳтиром билан: Тошкент шаҳрида яшовчи газетхон Дилором НАЗАРОВА».

ОЧИҚ гап: биз баъзан одамларни лоқайдликда, ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдирмаганликда айблаймиз, улардан гина қиламиз, баъзан хафа бўламиз. Хўш, бу ўринда биз доимо ҳақ бўлиб чиқамизми? Йўқ! Орамизда бировларнинг ташвишини ўз ташвиши, ўзгаларнинг қувончини ўз қувончи деб биладиган, уларнинг қайғусини ва шодлигини бирга баҳам кўрадиган, қўлидан келса ёрдам беришга ҳозиру нозир ажойиб кишиларимиз жуда кўп. Биродарлик, дўстлик, қардошлик, меҳр-оқибатлилик каби муқаддас туйғуларга, ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган бундай кишилар билан биз доимо фахрланамиз.

Умиданинг хазон бўлган бахтига, унинг етим қолган фарзандлари тақдирига муносабатларини билдириб редакцияга хат йўллаган газетхонларимиз ушбу фикримизга яна бир яққол далил бўла оладилар. Улар дил розларида кўплаб ҳаётий мисоллар келтирадиларки, бу нарса ҳаммамиз учун ҳам ибратлидир.

Шуни айтиш керакки, оқшомхонларимиз Анварнинг қилмишларини қоралаш билан бирга унинг ҳозирги ҳаёти билан қизиқмоқдалар. Буни Д. Назарова ва бошқа ўртоқларнинг хатлари исботлаб турибди. Келинг, шундай мактубларни яна биргалашиб кўздан кечирайлик.

Сергели районидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Э. Комиловнинг хати бевосита Анварга қаратилган. Унда жумладан шундай сўзлар битилган:

⊙ Сен биласанми, Майна Ҳасанова ким эди? У — қиз, у аёл эди. У йигитлардек жавлон урди, ғаним кўксига найза санчди. Душманни лол қолдирди... У — қаҳрамон бўлди. Зоя Космодемьянская ким эди? У — қиз, у аёл эди. У йигитлардек қаддини букмади, душманга қирон келтирди, ўлимга тик қаради... У — қаҳрамон бўлди. Валентина Терешкова ким эди? У—қиз, у —аёл эди. У коинотни забт этди, қаҳрамон бўлди. Саманта Смит ким эди? У —қиз, у — бир чечак эди. У болалар қалбига кирди, у тинчлик кабутарига айланди. У — қаҳрамон бўлди. Умида ким эди? У— қиз, у— аёл эди. У сенга вафодор ёр бўлди, қўли енгил шифокор бўлди. У сенга уч чечак —Нигора, Наргиза, Ўғилойларни ҳадя этди, оламни мунаввар этди, афсуски дунёдан бевақт кетди. Яна номларни санайми? Овоз беринг онажонлар, опахонлар, оламнинг гуллари — сингилжонлар!..

Сен кечириб бўлмас гуноҳ қилдинг, йигитлик шаънига, беғубор севгига иснод келтирдинг. Сен уч гўдакни бебаҳо оналик меҳридан бебаҳра қилдинг. Мен ана шу гўдакларнинг жиққа ёшга тўлган кўзларини кўз олдимга келтира туриб, сенга шундай демоқчиман: сен энди ана шу гўдаклар қалбига қулоқ сол! Уларнинг нозик қалбига меҳр уруғини соч. Уларни авайла, эъзозла!..

⊙ Яна бир мактуб диққатимизни ўзига тортди. М. исмли бир аёл ўз хатида Умиданинг етим қолган фарзандлари ҳаққи уларга она бўлишга рози эканлигини ёзади.

Ана шу одамийликка тавалло қилиб, тасанно айтасан!

Кишиларнинг дил розлари ёзилган мактубларни ўқиган сари одамларнинг бир-бирига оқибати, меҳр-муҳаббати кучли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан. Ҳали юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ўз ҳаётида бўлган воқеалар қаламга олинган мактублар кўпчиликни ташкил этади.

⊙ Мен ҳам ҳаётда Умидадек азоб чекаётган аёллардан бириман, — **деб ёзади Машҳура исмли аёл.** — Биз турмуш ўртоғим билан севиб турмуш қурган эдик. Уч қизимиз бор. Аввалига яхши яшадик. Кейинчалик эрим ўз-ўзидан хуноб бўлиб, жанжал қиладиган одат чиқарди. Бунга оиламизда ўғил туғилмаганлигини рўкач қилди. У ҳам Анвардек мени хўрлай бошлади. Ҳозир эримнинг бизни ташлаб кетганига саккиз ой бўлди. Нима қилай? Кимга борай? Менга ким ёрдам беради? Юрагимни тирнаб, қалбимни емираётган ярамга ким малҳам бўлади?

⊙ Синглимнинг тақдири ҳам Умиданинг тақдирига ўхшаб кетади, — **деб юрак сўзларини изҳор этади хизматчи М. Акромова.** — Синглим кетма-кет учта қизчалик бўлди. Иккинчи қизидан сўнг хўрликлар бошланди. Умиданинг қайнота, қайнонаси ақлли, доно кишилар бўлса-да, синглимнинг қайнона, қайнотаси уларнинг акси эди. Ўғли ишдан келганда «Хотининг ундоқ, хотининг бундоқ, ана, сенга бир этак қиз туғиб берди, ўлганингдан сўнг номинг ўчиб кетади», деган гапларни айтавериб, куёвимни ҳам оиласидан совутишди. Шундан сўнг у ярим кечаси уйга ширакайф ҳолда келадиган, баъзан умуман келмайдиган бўлиб қолди. Учинчи қизи туғилгандан сўнг ҳар куни урадиган, «Менга сендақа хотин керак эмас», деб синглимни уйидан ҳайдаб чиқарадиган одат чиқарди. Охири синглим юрак хасталигига чалиниб, ота-онамизникига қайтиб келишга мажбур бўлди. Мени бир нарса ўйлантиради: ушбу мақолани бизнинг куёвимиз ҳам ўқиганмикан?

⊙ 23 ёшдаман, икки ўғлим бор, турмуш қурганимга тўрт йил бўлди. Икки йилдан бери эса ота-онамникида ўтирибман. Балки суянган тоғим — ота-онам мени тушунишмаганида мен ҳам икки ўғлимни етим қилиб ҳаёт билан хайрлашган бўлардим. Ҳозир фақатгина фарзандларим учун яшаяпман. Мени уларнинг келажакдаги бахти қизиқтиради. Бу дунёда ўғилларимнинг отаси каби кимсалар борлигидан нафратланаман. Газета мақоласида номи тилга олинган Анварга нима чора кўрилгани ҳақида газета саҳифасида ёзишингизни илтимос қиламан. —**Тошкентдаги ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бирида ҳамшира бўлиб ишловчи Санталат исмли аёл ўз хатини шундай сўзлар билан якунлайди.**

⊙ Доно халқимизнинг «Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини» деган нақли бор. Лекин сенинг тоқатсизлигинг бировнинг бошини еди. Бировнинг эмас, фарзандларингнинг энг азиз мўътабар онажони жонига зомин бўлдинг. Қиз туққани учун таҳқирлаш... Эҳ, бу қанақаси бўлди? Бу борада донолардан бири:

Қани айтчи дўстим, қандай бўларди,
Қизлар туғилмаса, она бўлмаса,
Сенинг ўзинг қайдан келардинг
Онажонинг туғиб, ўйнаб кулмаса,

деганидек, сенинг ҳам дунёга келишингга бир вақтлари қиз бўлиб туғилган онанг сабабчи-ку — **Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати М. Усмоновнинг Анварга йўллаган бу юрак сўзларида қанчадан-қанча маъно бор!**

⊙ Сизни нима дейишга ҳам ҳайронман. Сиз ўз рафиқангиз, севикли Умиданинг умрини хазон қилдингиз. Агар мен Умиданинг қабрини билсам эдим, унга албатта анвойи гуллардан гулчамбар қўйган бўлар эдим. Бу билан мен Умиданинг садоқатига, вафодорлигига таъзим этган бўлардим, —**деб ёзади Чорсу массивидаги 6-уйнинг 86-квартирасида яшовчи А. Одилов.**

⊙ Эй Анвар, Умиданинг ота-онасидан тез-тез хабар олиб тур. Қизларингни бағрингда, қанотинг остида олиб бориб, олиб келиб тур. Изтиробланган, яралари тирналган ота-оналарингга тасалли бер, тиз чўкиб улардан кечирдим сўра. — **Бу шаҳримизнинг Оқшом кўчасидаги 7-уйда яшовчи Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси А. Аҳмедовнинг дил сўзларидир.**

⊙ Ҳар бир аёлнинг кўзи ёриши — ҳаёт ва ўлим билан курашга баробардир. Буни сиз ҳис қиласизми? Бизнинг шундай талабимиз бор: Анвар акамиз олдин йўл қўйган хатоларини тузатиб, онасиз етим қолган фарзандларига тўғри йўл кўрсатиб, менга ўхшаб хато қилманглар, олдиндан ҳаммасини ўйлаб иш юритиш керак экан, кейин эса пушаймон бўласизлар, деб айтсинлар. — **Тошкент область, Калинин районидаги силга қарши шифохона ҳамширалари М. Юсупалиева, Т. Кенжабоеваларнинг талаби ана шундай.**

ОҚШОМХОНЛАРДАН М. Даминова, Н. Кўзиева, С. Ражабова, Ф. Зокирова, Н. Орипова, А. Қосимова, Ш. Пўлатова, Х. Асадуллаев, Р. Каримов, Р. Валиева, Г. Саъдуллаева, А. Эшназаров, У. Тошматов, Н. Расулова, Д. Мусаева, С. Ғозиева, Н. Султонбекова, Ф. Жамолиддинова, М. Рихсиева, Н. Абдураҳимова, Г. Шамсиметова, Д. Султонова, М. Эргашева, С. Солиев, Д. Камолов, К. Мусаев, М. Жавҳарова, Г. Бобожонова, М. Юсупов, Н. Насриддинова, Ш. Маъдалиев, Ж. Ортиқов, К. Юнусова, М. Ҳакимов, Ё. Ризаева, З. Муҳамедова, А. Толипов, М. Орипова ва яна бошқа кўплаб газетхонларнинг хатларида ҳам худди шундай мазмундаги фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Оқшомхонларнинг дил сўзларидан уларнинг ён-атрофда бўлаётган воқеаларга лоқайд қарамаганликлари яққол кўриниб турибди. Акс ҳолда улар газета мақоласи юзасидан бунчалик куйиниб ёзмаган, таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, бошқалар учун ҳатто сир бўлган ички оилавий гапларни ҳам айтмаган бўлардилар.

Биз ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган барча ўртоқларга чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этиб ушбу мақолани шу ерда, якунламоқчи бўлиб турганимизда кутилмаганда редакцияга Ёдгорбекни етаклаган ҳолда Анварнинг ўзи кириб келди, юрагидаги бор дарду хасратларини тўкиб ташлади. У билан узоқ суҳбатлашдик.

— Мен ҳаётимда жуда катта гуноҳ қилдим, айбимга тўла иқрорман, ҳозир фарзандларим бағримда, қайнонам, қайнотам билан ҳам иноқмиз, бош эгиб, илтимос билан кечирим сўраб келдим. Менинг қаерда яшашим ва ишлашимни айтманг, акс ҳолда бош кўтариб юролмайман, — деди Анвар ғамгин қиёфада.

Биз мақола юзасидан Тошкентдан, республикамиз барча областларининг турли шаҳар ва қишлоқларидан редакцияга келган юзлаб мактубларни унинг қўлига тутқаздик. Хатларни ўқир экан, асабийлашгандан қўллари титрар, кўзига ёш томчилари қуйилиб келарди. Биз Анварнинг ўзини ёлғиз қолдирдик. Орадан 3 соатлар чамаси ўтди ҳамки, у хонадан чиқмас, ҳамон мактубларни ҳаяжон билан ўқирди. Ниҳоят, хона эшиги очилди. Руҳан эзилган, кўзлари йиғидан қизарган Анвар рўпарамизда хомуш турарди. У редакциядан кетатуриб буклоғлиқ оқ қоғозни бизга узатди. Бу Анварнинг кечирим сўраб ёзган мактуби эди. Уни қуйида тўлалигича ёритишга қарор қилдик.

«Сир эмас: менга ўхшаш нодон эркаклар, ҳатто бош фарзанди қиз туғилиши биланоқ хотини билан орани очиқ қиладиган, унинг жавобини бериб юборадиган енгилтаклар айниқса бизнинг ўзбек оилаларида кўплаб топилади. Мен уларга бугун шундай демоқчиман: менинг оилам бошига тушган фожиавий воқеадан хулоса чиқаринг, менинг кунимга тушиб ўтирманг, болаларни ўз онаси билан берсин экан, фақат боласиз уй эмас, балки онасиз уй ҳам мозор экан. Буни мен ўз бошимдан кечирдим. Шу сабабли ўзим каби енгилтак эркакларга айтадиган гапим шу: зинҳор-базинҳор умр йўлдошингизни хўрламанг, қиз туғдинг, нега ўғил туғмаяпсан, деб унга таъна тошларини асло отманг. Ҳаётда иродали, сабр-тоқатли бўлсангиз ниятларингиз ушалар экан. Менда эса, минг афсуски, ана шундай ирода етишмади, бемаъни улфатлар таъсирига берилдим, ичкилик деган касофат йўлдан оздирди. «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман» деганларидек, кейинги афсус-надоматдан энди асло фойда бўлмайди. Мен эса шундай афсус-надоматдаман. Умидамни хўрладим, панд-насиҳатларга қулоқ солмадим. У ҳаётдан бевақт кўз юмди, тўрт фарзандимни онаси меҳридан жудо қилдим. Умиданинг меҳрини уларга энди ҳеч ким беролмайди, умр бўйи уларни яхши сўз билан юпатганимда ҳам, бошида доимо парвона бўлганимда ҳам мен уларнинг онаси айтганчалик гапларини айтолмайман, менинг гапларим онасининг битта сўзи ўрнини ҳам босолмаслиги мумкин. Мен буни жуда яхши тушунаман. Ана шуларни ўйлаганимда ич-ичимдан эзил кетаман, эзиламан, ўзимни ўзим нафратлайман.

Ичкилик балосидан бутунлай қутулган бўлсам-да, мен марҳума рафиқам, фарзандларим, қайнона-қайнотам, ота-онам, эл-юрт, қариндош-уруғлар олдида, қолаверса «Оқшом» газетхонлари олдида ўзимни айбдор деб биламан.

Оиламиз, Умида бошига солган хўрликларим қоралаб ёзилган хатларни ўқидим, бу хатларда менинг қилмишларим қаттиқ қораланади, диёнатсизлигим, инсон номига доғ туширганим лаънатланади. Чунки мен пок севги эгаси, жонкаш-жафокаш Умиданинг умри бевақт хазон бўлишига сабабчиман. Айбим чиндан ҳам катта ва оғир. Аммо инсон меҳри юмшоқлигига имоним комиллигидан мен сизларга илтижо қиляпман. Фарзандларимни оқ ювиб, оқ тарашга, уларнинг ўксик қалбларига асло озор етказмасликка ваъда бераман.

Энг сўнгги гапим: ҳозир шундай бир аҳволдаманки, сизларнинг кўрсатадиган марҳаматингиз менга зўр қанот бағишлаши, акс ҳолда эса менинг шундай ҳам оғир, Умидамсиз, тўрт бола ташвишлари билан ўтказаётган аянчли ҳаётимни бундан ҳам мураккаброқ, боши берк кўчага олиб кириши мумкин. Шунинг учун марҳаматингизни дариғ тутманг, азизлар. Сизлардан яна бир бор узр сўровчи: Анвар».

УМИДАНИНГ умрига завол бўлган, унинг юлдузини бир умрга сўндирган, баҳоридан айирган, ўз фарзандларини она меҳридан жудо этган Анварнинг қилган гуноҳи, айби нақадар оғир ва катта бўлса-да, унинг бугун сиз, азиз оқшомхонлардан бош эгиб сўраётган узри ҳам шунчали аламли ва ситамлидир.

Аслини олганда тирик жон хатодан ҳам холи эмас. «Инсоннинг боши —табиатнинг тоши» деганларидек, баъзан билар-билмас хатоларга йўл қўямиз, пешонамиз деворга бориб теккандагина кўзимиз очилади. Лекин, яхшиямки ҳаётда оқил одамлар, саховатли қалб эгалари бор. Шундайларнинг кўрсатган тўғри йўл-йўриғи, жон куйдириб қилган панд-насиҳатлари адашган кишиларнинг яна тўғри йўлга тушиб олишга сабаб бўлади. Анвар ҳам ҳаётда қаттиқ адашди, лекин узр сўраб ёзган хати унинг ҳаётда энди тўғри йўлни топиб олганига кишида ишонч уйғотади. Шу боисдан унинг илтимосини, тиз чўкиб ялиниб қилган илтижоларини инобатга олиб, газетхонлар ҳам унинг аҳволини тўғри тушунишар деб фамилияси, яшайдиган маҳалласи-ю, иш жойини аниқ атамасликни лозим деб топдик. Зеро халқимизда «Эгилган бошни қилич кесмайди», деган ажойиб нақл ҳам бекорга айтилмаган. Бинобарин, Анварга ўхшаганлар ҳали орамизда минг афсуслар бўлсинки, учраб туради. Унинг қилмишлари бошқалар учун ибрат бўлса ажаб эмас!..

Солиҳ ЁҚУБОВ.

Ажойиботлар оламида

⊙ АВТОМОБИЛЛАРГА ТОҒ МУМИ

Политехника луғатида озокерит-тоғ муми лак-бўёқ, парфюмерия ва фармацевтика саноатида ишлатилиши айтилган. Борислав озакирит руда бошқармаси шахтасининг бош инженери Н. Дячук ТАСС мухбири билан суҳбатда шу минерал тўғрисида кўпгина қизиқарли гапларни айтиб берди. Бу шахтада қимматли хом ашёнинг янги томири очилганди.

...Клеть (лифт) 150 метр чуқурликка шовқинсиз сирпаниб тушади. Асосий штрекдан кўпдан-кўп забойлар тарқалган. Шу забойларнинг бирида оқ томир кўриниб турибди.

— Бундай томир камдан-кам топилади, — деди бош инженер, одатда озокерит тоғ жинсидан ажратиб олинади. Кучли транспортерлар тоғ жинсини бу ердаги экстрация заводига келтиради ва иссиқ бензин ёрдамида ундан хом ашё ажратиб олинади.

Пластилинга ўхшаб кетадиган юмшоқ массадан бир парча узиб оламан. Бу озокерит ишловдан ўтгач медицина саноатига юборилади. У ерда озокеритдан даволаш воситаси сифатида фойдаланилади. Озокеритдан қилинган компресс иссиқлиги ҳатто 70—80 даража бўлганида ҳам одамнинг этини куйдирмай, ҳала бўлган ерлари тез тузалиб кетишига ёрдам беради. Машҳур Трускавец курортида озокерит билан даволаш йўлга қўйилган.

Эндиликда тоғ мўмини озиқ-овқат саноати ходимлари ва фармацевтлар, приборсозлар ва тўқимачилар ҳам ишлатмоқдалар. Тоғ мўми сингдирилган ип газлама ўнлаб йилга чидайди. Ўтган асрнинг 70-йилларида океан орқали Европадан Америкага тортилган телефон кабелини изоляция қилиш учун шу минерал ишлатилган. Минерал автомобиль саноатга ҳам асқотди. Таркибида атиги 5 процент озокерити бўлган янги қоплама автомобиль кузовларининг хизмат муддатини уч баравар узайтиришга имкон беради.

⊙ БУЛОҚЛАР ҚЎШИҒИ

Йўловчи Донецк чўлидаги Алексеевка қишлоғининг яқинида чоғроқ бир жар тубидан чиқаётган булоқ ёнида бир дам тўхтамай ўтиб кетолмайди. Булоқ суви шишадек тиниқ, тишни сирқиллатадиган даражада муздек ва тотлидир. Маҳаллий аҳоли бу гўшани эъзозлайди.

Амвросиевка районидаги Горький номли хўжалик аъзолари булоқни обод диёрга айлантирдилар. Уни тозалаб теварагига тош девор ишлаб чиқдилар ва афсонавий қаҳрамон тасвирини гранитдан ўйиб ишлаб, унга ўрнатдилар. Илгари унинг номи йўқ эди, энди баҳодир булоқ деб атай бошладилар. Булоқ ёнида айвон қурилган, стол қўйилган. Булоқ ёнида сопол ҳумча, йўловчи чанқовини қондиради.

Жазирама ёз кунлари бу ерда дам олиб, булоқ сувининг ёқимли шилдирашини эшитиш мумкин. Алексеевка қишлоғининг ҳаваскор артистлари булоқ ёнида фольклор кечалари ҳам ўтказиб туришади.

Кейинги йилларда область табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари активларининг, табиат ҳаваскорларининг ҳаракатлари билан чўлдаги кўпгина булоқларнинг кўзи очилди.

⊙ ТОҒЧИ АСАЛЧИЛАР


Уш областининг асалчилари... Помир-Олой тоғларини забт этишда альпинистларга рақиб бўлиб қолдилар. Зарурат туфайли улар қоядан-қояга ўтадилар, тоғ ошадилар. Адир зонадаги гуллаган боғлар ва мевазорлар май гулидан асал йиғиб олгач, ари қутиларини булутдан баланд тоғ ўтлоқларига ва баланд тоғликлардаги жирғаноқ писта каби асал берувчи буталар гуллаган хушманзара жойларга кўчирадилар. Бу ерларга 8 мингтадан кўп ари оиласи келтирилди. Айни ёзда уялар яна водийга-бедазорларга қайтарилади.

Қирғизистоннинг жануби мамлакатда алоҳида қимматли тоғ асали етиштирувчи жойга айланди. Бу ерда юзлаб катта-катта жамоат аричилик хўжаликлари ишламоқда. Ҳаваскор аричилар сони ҳар йили қарийб 30 процент кўпайиб бормоқда. Беш йиллик бошидан бери республикада деярли 100 минг центнер шифобахш маҳсулот тайёрланди.

(ТАСС мухбири).



ҚУВНОҚ АТТРАКЦИОН.
Х. Шодиев фотоси.



ТОШКЕНТ ФАВВОРАЛАРИ.

Х. Мирзакаримов фотоэтюди.

КИЕВЛИКЛАР КУБОК СОҲИБИ

Мамлакат Кубоги учун ўтказилган финал учрашувида Киев ва Минск шаҳарларининг «Динамо» командалари беллашишди. Москвадаги Лужники стадионида бўлган бу учрашувни 75 минг томошабин кўрди. Бутун ўйин давомида минсклик динамочилар ҳисобда олдинда боришди. Учрашув тугашига 16 секунд вақт қолганида киевликлар ҳисобини тенглаштиришга муваффақ бўлишди — 3:3.

Белгиланган қўшимча вақтда яна ғолиб аниқланмай қолди. Шундан кейин Кубок эгасини аниқлаш учун 11 метрли белгидан тўп тепишга тўғри келди. Бу сафар омад украиналик футболчиларга ёр бўлди. Улар саккизинчи марта СССР Кубоги соҳиби бўлиш билан бирга, Европа мамлакатлари кубок эгалари Кубоги учун ўтказиладиган баҳсда қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

«ПАХТАКОР»—«ШИННИК» — 0:1

«Пахтакор» командаси навбатдаги учрашувни ўз майдонида ўтказиб, Ярославлнинг «Шинник» командасига 0:1 ҳисобида имконияти бой берди. Ҳамшаҳарларимиз навбатдаги икки учрашувни Львов ва Одесса шаҳарларида «Карпати» армия спорт клуби ва «Черноморец» командалари билан ўтказишади.

Бу турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Геолог» — «Крилья Советов» — 4:0, «Кузбасс» — «Карпати» армия спорт клуби — 1:0, Ростов армия спорт клуби — «Россельмаш» — 3:1, «Заря» — «Динамо» (Ставрополь) — 1:2, «Котайк» — «Колос» — 1:2, «Спартак — «Металлург» — 1:1, «Торпедо» — «Ротор» — 1:0, «Динамо» (Ботуми) — «Факел» 1:0.

БАСКЕТБОЛ ИККИНЧИ ЎРИН БИЛАН КИФОЯЛАНИШДИ.

Греция шаҳарларида баскетбол бўйича ўтказилган Европа чемпионати баҳслари якунланди. Финал учрашувида Греция ва СССР терма командалари беллашишди. Кўпминг-кишилик томошабинлар мададига суянган грециялик баскетболчилар имкониятни тўла ишга солдилар. Мамлакатимиз спортчилари ҳам бўш келишмади. Икки очко фарқи билан грециялик баскетболчилар ғалабага эришиб, ўз спорти тарихида биринчи марта Европа чемпиони унвонини қўлга киритишди. Ҳисоб — 103-101.

Бронза медали эса Испания терма командасини мағлубиятга учратган югославиялик баскетболчиларга топширилди.

Қувиб ўтдим

(Ҳажвия)

Иш бошланишига 32 минут қолибди. Апил-тапил кийинар эканман, куни кеча бўлиб ўтган мажлис, унда директоримизнинг ишга кеч қолувчиларни (шу жумладан мени ҳам) «охирги марта» (билмадим нечанчи марта) огоҳлантирганликлари қулоғимни қоматга келтирди. Ўзи ишга кечроқ борсам ҳам бўлаверарди-ю кеча узунқулоқ гап эшитиб қолдим, мени бўлим бошлиғи қилиб-кўтаришмоқчи эмиш.

Шу ҳаёллар билан бўлиб, такси бекатига қандай етиб келганимни билмай қолибман. Вақт эса зиқ, соат 9 дан 45 минут ўтибди.

Ҳар бир ўтган машинага қўл кўтараман, қани энди биронтаси тўхтаса. Шу пайт кўк кўзини чақнатиб такси кўриниб қолди. Қўлимни даст кўтардим. Такси олдимга келиб тўхтади. Ҳайдовчига борадиган манзилимни айтдим. Лекин шофёр негадир машинани юргазмасдан менга тикилиб ўтирарди. Тоқатим тоқ бўлиб ундан сўрадим:

— Нима бўлди ука, нега юрмайсиз, ёки бензинингиз тугаб қолди-ми!

Шофёр эса менга ўгирилиб мўъжиза кўраётгандек сўради:

— Кечирасиз, сиз мабодо циркда ишламайсизми!

— Йўқ, нима эди!

— Ўзим, шунчаки.

Мен туфлини пойма-пой ва камарни бўйинга галстук қилиб тақадиганлар фақат циркда бўлади деб ўйларканман.

Мен шундагина таксичининг шамасига тушундим. Туфлини ҳаёл билан пойма-пой кийибман. Ҳатто денг оёғимни сиқмабди ҳам. Камар тўғрисидаку гапирмаса ҳам бўлади. Лекин яхши ҳамки шофёр галстук қаерга боғланганини кўрмабди.

Ўзимни қўлга олдим.

— Ука, кечирасиз-у ҳозир жуда ҳам ишга шошилаётибман, иш бошланишига атиги 10 минут қолди, — дедим шофёрга ялинган оҳангда.

У дарров машинани ўт олдириб, юриб кетди. Тезлик шофёр негадир машинани юргазмасдан менга тикилиб ўтирарди. Тоқатим тоқ бўлиб ундан сўрадим:

— Нима бўлди ука, нега юрмайсиз, ёки бензинингиз тугаб қолди-ми!

Шофёр эса менга ўгирилиб мўъжиза кўраётгандек сўради:

— Кечирасиз, сиз мабодо циркда ишламайсизми!

— Йўқ, нима эди!

— Ўзим, шунчаки.

Мен туфлини пойма-пой ва камарни бўйинга галстук қилиб тақадиганлар фақат циркда бўлади деб ўйларканман.

Мен шундагина таксичининг шамасига тушундим. Туфлини ҳаёл билан пойма-пой кийибман. Ҳатто денг оёғимни сиқмабди ҳам. Камар тўғрисидаку гапирмаса ҳам бўлади. Лекин яхши ҳамки шофёр галстук қаерга боғланганини кўрмабди.

Ўзимни қўлга олдим.

— Ука, кечирасиз-у ҳозир жуда ҳам ишга шошилаётибман, иш бошланишига атиги 10 минут қолди, — дедим шофёрга ялинган оҳангда.

У дарров машинани ўт олдириб, юриб кетди. Тезлик кўрсаткичи 80 билан 90 рақамни ўртасида. Бошқа пайт бўлганда шофёрдан албатта, секинроқ ҳайдашни илтимос қилардим. Лекин ҳозир нафасимни ичимга ютиб ўтиришга мажбур бўлдим.

Бир пайт шофёрнинг гапи қулоғимга чалиниб қолди:

— Ё тавба, ўзи сочилиб кетай деяпти-ю, яна ГАЗ-24 ни қувиб ўтди-я, ҳозир ҳолини кўрамиз.

Ёнимга қарасам, бизни «Победа» машинаси қувиб ўтиб кетибди. Тезлик ўлчагичга кўз қиримни ташласам 100 ни кўрсатиб бораяпти. Мана, такси «Победа» билан ёнма-ён кетиб бораяпти. Шу чоқ нимадир қарсиллади, машина чайқалиб йўл четига чиқиб кета бошлади...

Кўзимни очсам оппоқ, ёруғ ва озода хонада каравотда ётибман. Такси шофёрига кўзим тушди. Ҳаммаёғи бинт билан боғлаб ташланган. Мен зўрға овоз чиқариб сўрадим:

— Аҳволингиз тузук-ми, жуда қаттиқ шикастланганга ўхшайсиз-а!

У эса кўзларини пирпиратиб, аранг эшитиладиган қилиб деди:

— Барибир ўша «Победа»ни қувиб ўтдим.

Қодир ҚАЮМОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/VI да **Отелло**, 17/VI да **Куёв**, 18/VI да **Ойна.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/VI да **Тошболта ошиқ.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ВАРШАВА» ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (18, 20.30 да).

Кино

16 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЁШЛАРГА ОСОНМИ» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да).

«КУРЬЕР» — **Нукус** (тоқ соатларда, 21.30 да).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги номли** (16, 18.30 21.00).

«БОРИГА БАРАКА ЁКИ ЖАВОБ ЗАРБАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, 21.30).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР» — **Восток** (16, 18.30, 21.00). 21.00).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ»—**Ватан** (16, 18.30, 21.00).

«ГИРДОБ» — **Дружба** (16, 18, 20.00).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда).

«ЗОРРО»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00).

«СИЛОВСИН ҚАЙТМОҚДА» —**Қ. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ВАФОТИДАН КЕЙИН МУКОФОТЛАШ—**Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ХАТАР АЛОМАТИ» (17.30, 20.00), «ҚИЁФАДОШ» (16.00) — **Искра.**

17 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАБРДИЙДА ЕР» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да).

«КУРЬЕР» — **Нукус** (жуфт соатларда, 21.30 да).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ХОТИРЛАШ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР» — **Восток** — (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«БОРИГА БАРАКА ЁКИ ЖАВОБ ЗАРБАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, 21.30 да).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ?» — **Ватан** — (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда).

«ЗОРРО» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00).

«ВАФОТИДАН КЕЙИН МУКОФОТЛАШ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ХАТАР АЛОМАТИ» — (17.30, 20.00), **ҚИЁФАДОШ»** — (12, 14, 16.00) — **Искра.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Госстрой ҳузуридаги **Граждан қурилиши ва архитектура Давлат комитетининг Тошкентда жойлашган** ТУРАР-ЖОЙЛАР ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ТИПОВОЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЛОЙИҲАЛАШ ЗОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ **«ТашЗНИИЭП»**

1987 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қурилиш: қурилиш конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари (турар-жой ва жамоат бинолари учун завод ишлаб чиқариши технологияси), шаҳар қурилиши, районлар планини тузиш, манзарали архитектура ва қишлоқ аҳоли жойлари планларини тузиш.

Сиртқи: бинолар ва иншоотлар архитектураси.

Аризалар— 30 сентябргача қабул қилинади.

Имтиҳонлар — 1 октябрда бошланади.

Ҳужжатларни қуйидаги адресга жўнатинг: 700000, Тошкент шаҳри, 108-алоқа бўлими, аспирантура бўлими. Телефон: 46-07-60.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг ТОШКЕНТ ШАҲАР МАРКАЗЛАШГАН УСУЛДА ЮК ТАШИШ АВТОМОБИЛЬ ТРЕСТИ

«ЗИЛ» ва «КАМаз» маркали **прицепли** (бортли), **«ММЗ»** маркали прицепли (самосваллар) автомобилларида

Тошкент — Олмалиқ, Тошкент — Оҳангарон, Тошкент —Ангрен, Тошкент — Чиноз маршрутлари бўйлаб

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮКЛАРИНИ ТАШИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Айни пайтда трест автокорхоналари иккинчи ва учинчи сменаларда юк ташиш учун турли маркалардаги автотранспорт воситаларини (самосваллар, бортли машиналар) **ажратиш юзасидан**

ШАРТНОМА ТУЗИШЛАРИ ҲАМ МУМКИН

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700031, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Педагогика кўчаси, 14-уй. Телефонлар: 56-34-28, 56-39-42, 56-70-06.

ИТ БОҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАЙВОНЛАР КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ СТАНЦИЯСИ ЭСЛАТАДИ

Итларни рўйхатга олиш ва юқумли касалликларга қарши эмлаш муддати 1987 йил 30 июнда тугайди.

16 ИЮНДАН 10 ОКТЯБРГАЧА

ҳамма ерда итларнинг рўйхатга олинган ва ветеринария кўригидан ўтказилганлигини текшириш учун рейдлар ташкил этилади.

1987 йилда рўйхатдан ўтказилмаган ва эмланмаган итлар эгасига қайтариб берилмайди.

САЁҲАТ-РОҲАТ

КАЛЕНДАРДА — ИЮНЬ — ЁЗНИНГ БИРИНЧИ ОЙИ. ДЕМАК, ОТПУСКА МАВСУМИ БОШЛАНДИ. ЯХШИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ, КУЧ-ҒАЙРАТ ТЎПЛАШ, ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРНИ КЎРИШ УЧУН ОТПУСКАНИ ҚАЕРДА ЎТКАЗГАН МАЪҚУЛ? БУ САВОЛ БИЛАН ЎЗИНИ ҚИЗИҚТИРГАНЛАРНИ АЛБАТТА ҚИЗИҚТИРМОҚДА.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

КАВКАЗ БЎЙЛАБ

1. **КИСЛОВОДСК — 25 августдан — 13 сентябргача, 15 сентябрдан — 3 октябргача. Баҳоси — 285 сўм.**

2. **ЕССЕНТУКИ — 22 сентябрдан — 11 октябргача, Баҳоси — 270 сўм. 3 ноябрдан — 22 ноябргача, 8 декабрдан — 27 декабргача. Баҳоси — 254 сўм.**

3. **ПЯТИГОРСК — 10 июль — 29 июль, 19 август —7 сентябрь, 28 сентябрь — 17 октябрь кунлари. Баҳоси — 288 сўм.**

4. **ЕРЕВАН-КАФАН — 3 июль — 15 июль, 7 август — 19 август кунлари. Баҳоси — 285 сўм.**

5. **ЛЕНИНАКАН-КИРОВАКАН — 1 июль — 15 июль кунлари. Баҳоси — 277 сўм.**

ДЕНГИЗ САЁҲАТЛАРИ:

1. **ЖДАНОВ** (Азов денгизи) — 2—17 июль, 18 июль — 2 август, 19 август — 3 сентябрь кунлари. Баҳоси —258 сўм.

2. **СУХУМИ — 26 июнь — 15 июль, 28 август — 17 сентябрь, 19 сентябрь — 8 октябрь кунлари. Баҳоси— 298 сўм.**

3. **КУТАИСИ-ПИЦУНДА — 23 сентябрь — 13 октябрь, 3 сентябрь — 23 сентябрь кунлари. Баҳоси — 310 сўм.**

4. **АДЛЕР — 24 август — 13 сентябрь, 14 сентябрь — 4 октябрь кунлари. Баҳоси — 299 сўм.**

5. **ЕВПАТОРИЯ — 28 сентябрь — 17 октябрь кунлари. Баҳоси 323 сўм.**

6. **СОЧИ — 2 октябрь —22 октябрь кунлари. Баҳоси — 311 сўм.**

7. **МЦХЕТА-СУХУМИ — 19 август — 8 сентябрь, 8—28 сентябрь, 28 сентябрь — 18 октябрь кунлари. Баҳоси — 305 сўм.**

8. **МЦХЕТА-ГАГРА — 25 август — 14 сентябрь, — 11 октябрь, 4 октябрь — 24 октябрь кунлари. Баҳоси — 333 сўм.**

9. **КАХЕТИЯ-БОТУМИ — 23 август — 19 сентябрь, 12 сентябрь — 2 октябрь, 2 октябрь — 22 октябрь кунлари. Баҳоси — 307 сўм.**

10. **ГЕЛЕНЖИК — 22 август — 10 сентябрь, 11 — 30 сентябрь, 1—20 октябрь кунлари. Баҳоси — 317 сўм.**

11. **МЦХЕТА-ГАГРА — 26 июнь — 15 июль кунлари. Баҳоси — 333 сўм.**

12. **ШАОРИ-АДЛЕР — 25 июнь — 15 июль, 15 июль — 4 август, 14 август — 3 сентябрь, 3 сентябрь — 23 сентябрь, 13 сентябрь — 3 октябрь кунлари.**

РСФСР ВА УКРАИНА БЎЙЛАБ

1. **КЕМЕРОВО — «Ласточка» турбазаси — 19 июль —2 август кунлари, 3—17 август кунлари, 18 август— 1 сентябрь кунлари. 2—16 сентябрь, 17 сентябрь — 1 октябрь кунлари. Баҳоси — 300 сўм.**

2. **ХАРЬКОВ «ВАСНЕЦОВО» ТУРБАЗАСИ — 10— 29 август, 30 август — 18 сентябрь кунлари. Путёвкалар баҳоси — катталар учун — 278 сўм, болалар учун — 190 сўм.**

3. **ЗАПОРОЖЬЕ «ЗБРУЧ» ТУРБАЗАСИ — 7— 21 сентябрь кунлари. Баҳоси — 289 сўм.**

4. **УЖГОРОД. «ПЛАЙ» ТУРБАЗАСИ — 27 июнь —6 июль, 5 сентябрь — 14 сентябрь кунлари. Баҳоси 256 сўм.**

5. **УФА «АГИДЕЛЬ» ТУРБАЗАСИ — 26 август — 12 сентябрь кунлари. Баҳоси —260 сўм.**

6. **«ВЕЛЕГОЖ» ТУРБАЗАСИ —31 август — 19 сентябрь, 20 сентябрь — 9 октябрь кунлари, Баҳоси — 344 сўм.**

7. **ДРАГОБИЧ-ТРУСКАВЕЦ — 9 — 28 август, 18 сентябрь — 7 октябрь, 8—27 октябрь кунлари, Баҳоси — 348 сўм.**

8. **СВЕРДЛОВСК «ЧЕРДАНСКАЯ» ТУРБАЗАСИ — 19 август — 6 сентябрь кунлари. Баҳоси — 235 сўм.**

9. **ДИМИТРОВОГРАД** — (Куйбишев области) — 9 **июль — 23 июль, 9—23 август кунлари. Баҳоси — 289 сўм.**

10. **ПЛЕС-ИВАНОВО — 4 — 20 июль, 16 июль — 1 август, 28 июль — 13 август, 9—25 август, 21 август, — 6 сентябрь, 3—17 сентябрь кунлари. Баҳоси — 314 сўм.**

11. **ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ, ХАБАРОВСК, ЮЖНОСАХАЛИНСК — 24 август — 4 сентябрь кунлари. Баҳоси — 599 сўм.**

12. **УСТЬ-КАМЕНОГОРСК «АЛТАЙСКАЯ БУХТА» ТУРБАЗАСИ — 1—14 июль, 1—14 август кунлари. Баҳоси — 205 сўм.**

13. **«БЕЛОВО» ТУРБАЗАСИ** (Новосибирск области) **— 14 — 28 июль, 30 июль — 13 август кунлари. Баҳоси 235 сўм.**

14. **ОМСК «БОЛЬШЕРЕЧЬЕ» ТУРБАЗАСИ — 25 июль — 8 август, 6—20 август кунлари. Баҳоси — 204 сўм.**

15. **«ЛАЗУРНИЙ БЕРЕГ» ТУРБАЗАСИ** (Владивосток шаҳри). **— 25 июнь — 11 июль кунлари.**

16. **ВЛАДИВОСТОК — «БАЙКАЛ» ТЕПЛОХОДИ — 1—16 июль кунлари. Баҳоси 726 — 943 сўм.**

ПУТЁВКАЛАР ХАРИД ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗИНГИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН БАРЧА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: 700078, Тошкент. шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй. Телефон 39-13-19. Путёвкаларни реализация қилиш бўлими.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ЙЎЛ ЮРАМИЗ, ЙЎЛ ЮРСАК ҲАМ МЎЛ ЮРАМИЗ...

ҚИЧҚИНТОЙИНГИЗ ЕНГИЛ ВА ЮМШОҚ АРАВАЧАДА ЎЗИНИНГ ИЛК САЙРУ-САЁҲАТИНИ ҚУНГИЛЛИ ЎТКАЗА ОЛАДИ.

СИЗ САЙР АРАВАЧАЛАРИНИ «ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

3-магазин — Қорақамиш массиви;
4-магазин — Қўйлиқ бозори;
5-магазин — Госпитал бозори;
5/1-магазин — Биринчи Май бозори;
8/2-магазин — «Дўстлик» ярмаркаси;
9/1-магазин — Олой бозори;
12-магазин — Луначарский маркази;
13-магазин — 4-турар-жой шаҳарчаси;
15-магазин — Юсупов кўчаси, 12-«а» уй;
16/1-магазин — Сергели массиви, савдо маркази.

Сайр аравачаларининг баҳоси — 23 сўм ва 27 сўм.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 77-23-12).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.



Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми томонидан **Сарсебаев Ержан Мирзақулович** номига берилган КТ—882848 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

С. Оржоникидзе номидаги Бухоро давлат педагогика институти томонидан **Иркаева Соня** номига берилган Г-П 271974 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 136-ўрта мактаб томонидан **Қорабоева Малика Норматовна** номига берилган 965524 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 34-ўрта мактаб томонидан **Раҳматуллаева Зарифа Ҳошимовна** номига берилган 734293 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ **1987-1988 ўқув йилига**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Республика ўқув-курс комбинати савдонинг қуйидаги соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлайди: БАРЧА ПРОФИЛДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ (САНОАТ) ТОВАРЛАРИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРИ ВА СОТУВЧИЛАРИ.

17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Тугатганларга «Контролёр-кассир» ёки «сотувчи» ихтисоси берилади.

Озиқ-овқат (саноат) товарлари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган группаларга ҳам тугалланмаган ўрта (8, 9 синф) маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 ой, тугатганларга «кичик сотувчи» ихтисоси берилади.

Қабул қилинган ўқувчиларга ҳар ойда 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Республика ўқув-курс комбинати Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган қизларни шаҳар ва область савдо бошқармалари маҳаллий савдо идораларининг йўлланмаси билан қабул қилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, группаларда ўқиш бутун йил давомида узлуксиз олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, (086/У формадаги) медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, йўлланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13 ва 70-автобусларнинг «Тез ёрдам касалхонаси», 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефонлар 75-35-86, 75-35-92.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

Д. Ф. УСТИНОВ НОМИДАГИ УЛЬЯНОВСК АВИАЦИЯ САНОАТИ КОМПЛЕКСИГА

каруселчи-токарлар, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, фрезерчилар, тиш кесувчилар, силлиқловчилар, механик-йиғув ишлари слесарлари, парчинловчи-йиғувчилар, елимловчи-йиғувчилар, учиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, асбобсоз-йиғувчилар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматларни йиғувчи-слесарлар, ремонтчи-слесарлар, слесарь-сантехниклар, йўнувчи-маромига етказувчилар, газ-электр пайвандчилар, авария-тиклаш ишлари слесарлари, ёғоч қирқувчи станокларининг станокчилари, моделчилар, электр асбоб-ускуналари ремонти бўйича электр монтерлар, ғишт терувлар, сувоқчи-бўёқчилар ва бошқа касбдаги ишчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Малакали ишчилар ишга ҳужжатларини ўтказиш йўли билан жойлашишлари мумкин. Ульяновск авиация саноати комплекси белгилаган касблар бўйича камида 3-разрядга эга бўлган малакали ишчилар ҳам ана шундай ҳужжат ўтказиш йўли билан ишга жойлаша оладилар. Ҳужжатларни ўтказиш йўли билан ёки Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаганидан сўнг корхонага ишга келган ходимларга бир йўла тариф ставкасининг икки ҳиссаси миқдорида ёрдам пули берилади, оила бошлиғи ҳисобига 500 килограммгача ва кўчаётган оиланинг бошқа ҳар бир аъзоси ҳисобига 150 килограммдан мол-мулкни ташиб олиш, йўл ҳаражатлари тўланади. Йўлда бўлган вақт учун суткалик ҳақи ва йўлга отланиш, янги ерга бориб жойлашиш кунлари учун (6 суткадан ошмаслиги керак) маош тўланади.

Авиация комплексига етиб келган ходимларга шинам ётоқхонадан жой берилади. Оила билан ишга расмийлаштирилган кундан бошлаб 6-18 ой мобайнида турар-жой майдони (хона) берилади, квартира билан эса навбатда туриш тартиби билан 5 йил мобайнида таъминланадилар.

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-мукофотли ва вақтбай-мукофотли тартибн қўлланилади. Йиллик иш якунига кўра ва хизмат йиллари учун ҳақ тўланади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона, Ульяновск авиация саноат комплекси вакилига.

МАҚУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Д. Нагишкиннинг «СЕРДЦЕ БОНИВУРА» китоби китоб савдоси шохобчаларига кечикиб келиши муносабати билан абонементлар муддати **1988 йил 1 январгача УЗАЙТИРИЛАДИ**

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш тайёрлов корхонаси.

Автомототранспорт эгалари ва «Автомотоҳаваскорлар» жамияти аъзолари ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар автомобиль турар-жойлари қурилиши ва улардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида КООПЕРАТИВ АВТОМОБИЛЬ ТУРАР-ЖОЙЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ГАРАЖЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА «ТОШКЕНТ» КООПЕРАТИВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Автомобиль турар-жойларига муҳтож бўлган барча автомототранспорт эгаларидан кооперативга мурожаат қилишларини сўраймиз. Бу ерда сизларга автомобиль транспортини турли шароитларда сақлаш мумкин бўлган автомобиль турар-жойларининг бир неча вариантларини таклиф этишади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 12-уй («Дўстлик» меҳмонхонасининг қаршисида).

Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети ва кон-металлургия факультетининг жамоатчилик ташкилотлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш кафедраси коллективи доцент А. Аъзамовга онаси **Ҳосият УСМОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—13988. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 22.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2149. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.